



3 ОКТЯБРЬ — ШАНБА. БОБУР НОМИДАНИ  
МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОГИДА

## ҚЎЛИМИЗ КЎКСИМИЗДА, ТАШРИФИНГИЗГА МУНТАЗИРМИЗ



**Зоя ГАЛЬКИНА,**  
Яккасарой район ҳокимининг  
ўринбосари:

БОБУР номли маданият ва истироҳат боғида яқинда биз республика Мустақиллигининг бир йиллигини зўр тантана билан нишонлаган эдик. Байрамга байрам уланапти. Энди 3 октябрда халқимиз меҳрини қозониб бораётган «Ишонч» газетасининг фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Боғимиз кенг — 22 гектарга чўзилиб кетган. Кейинги йилларда боғ ёнида янги хиёбонлар яратилди, йўлчалар бўйидаги ёритиш тизими ва ўриндиқлар янгиланди. Ҳавони мўътадиллаштириб турувчи фавворалар ишга туширилди. 5 та атракцион, автомат ўйинчоқлар, аквариумлар болажонлар хизматида. Фестивалга ташриф буюрган ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларнинг дам олишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун бу ерда барча шароитлар муҳайё этилган.

«Ишонч»нинг кўпгина ўқувчилари бизнинг районда, десам янглишмайман. Маҳалла аҳиллари, талабалар, ўқувчилар унинг ҳар бир сонини ўқиб борадилар. Фестиваль кўни улар албатта боғга келиб газетанинг ижодий жамоаси билан учрашадилар, ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён этадилар. Фестиваль баҳонасида дийдор кўришишдан ҳам ёқимли ҳол бўлмаса керак.

**Ҳожибек УРМОНОВ,**  
Яккасарой район умумий  
овқатланиш акционерлик  
бирлашмаси раиси:

«ИШОНЧ» оддий газетхонларнинг дўсти ва яқин маслаҳатчиси бўлиб қолганлиги учун ҳам уни ҳамма севади. Тармоғимизда меҳнат қилаётган ходимларнинг аксарияти газетга обуна бўлишган. Янги йил учун ҳам обуна қизгин борапти.

Районимиз ҳудудидаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида «Ишонч» фестивали ўтишини эшитиб гоё хурсанд бўлдик ва фестивал қатнашчиларига баҳоли қудрат хизмат қилишга бел боғладик. 3 октябрь кўни боғнинг тўрт томонида дошқозонларда ош дамламоқчимиз. Йўлчалар бўйлаб қандолатлар, ярим тайёр ва пазандалик маҳсулотларини

нинг кўрик-савдоси ташкил этилади. Меҳмонлар шарқона услубда янги қурилган Шахзод номли чойхонамизда бир пиёла чой устида ширин суҳбат қуришлари, ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Фестиваль қатнашчиларига хизмат қилишга «Мовий гүмба», «Дилором», «Самарқанд», «Табассум» каби йирик кафеларнинг қўли ширин пазандалари таклиф этиладилар. Улар пазандачилик соҳасида ўз санъатларини намойиш этиш билан бирга турли хил салатлар, миллий таомлар тайёрлаш бўйича уй бекаларига ва пазандачиликка қизиққан барча кишиларга маслаҳатлар беришлари мумкин. Фестиваль кўни боғга ташриф буюрган ҳамшаҳарларимиз кўп жихатдан ютадилар, деб ўйлайман.



**Раҳимжон ШОНАЗАРОВ,**  
Низомий номидаги Тошкент  
Давлат педагогика институтини  
талабалар касба уюшмаси  
қўмитаси раиси.

— МАНА, бир йилдан  
ошибдики, республикамиз

касаба уюшмалари Федерациясининг «ИШОНЧ» газетаси ўз саҳифаларида оддий халқнинг орзу-ўйларини, турмушини ифодалаб келаяпти. Кейинги пайтда газета жамиятимизнинг энг илғор, қалби жўшқин ғояларга бой бўлган ёшлар ҳаётига ҳам эътиборни кучайтирди. Шунинг учун газета ёшлар орасида ҳам кенг оммалашмоқда. Жумладан, бизнинг институтимиз ёшларининг кўпчилиги ушбу газетга обуна бўлишган.

Институтимизнинг барча талабалари ўқитувчилар билан биргаликда қувонч билан фестивалда иштирок этишни дилга тугиб қўйдилар.

**Муҳриддин ҲОЛИҚОВ,**  
таниқли хонанда:


«ИШОНЧ» газетаси қисқани вақт ичида газетхонларнинг қалбига кириб бора олди. Шу боисдан «Ишонч», бошлаган йўлингдан ишонч билан давом этавер, дегим келади.

Шаҳримизнинг энг гўзал боғларидан бирида газета фестивали ўтишини эшитиб менда газетхонлар хизматида бўлиш иштиёқи туғилди. 3 октябрь кўни ўз ҳамкасбларим жўрлигида сизлар севган қўшиқларни ижро этиб бераман.

Шу кўни боғ катта тўйхонага айланади, деб газетхонларни ишонтира оламан. Эл севган санъаткорлардан Очилхон Отахонов, Ҳасан Ражабий, Комилжон Баратов, Хотам Хожиев, санъат бўстонида дадил кириб келаётган ҳаваскорлар ҳам фестивал қатнашчилари хизматида бўлишларини эшитиб қувондим.

Боғга марҳамат қилинг, биз  
Сизнинг хизматингиздамыз!

### ИСТИРОХАТ БОГИНИНГ ХАРИТАСИ



1. Яшил театр. 2. Чойхона. 3. Автодром. 4. Бильярдхона. 5. Маъмурият биноси. 6. Болалар майдончаси. 7. Чархпалак аттракциони. 8. Кутубхона. 9. Ёзги эстрада. 10. Автоўйинлар. 11. Ошхона. 12. Газли сув.

Азизлар, 3 октябрь — кун бўйи давом этадиган анжуманимизда:

- машҳур олимлар, қаламкашлар, санъаткорлар билан мулоқотда бўласиз;
- таниқли санъаткорларнинг чиқишларини, театрлаштирилган томошаларни кўрасиз;
- саволларингизга халқ таботати мутахассислари ва ҳуқуқшунослар жавоб берадилар;
- деҳқончилик ва саноат маҳсулотлари савдоси уюштирилади;
- танловлар, викториналар, мусобақаларда қатнашасиз;
- пазандалар ва қандолатчилар хизматингизда бўладилар.

Вактингиз хушнуд ўтсин!

«ИШОНЧ» таҳририяти.

● **ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЕТГАНДА:** «ИШОНЧ» фестивалида Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, Ўзбекистон халқ артисти Аҳмаджон Шукuroв бошлиқ «Зарафшон» ашула ва рақс ансамбли, яна бир қатор ижодий жамоалар, таниқли санъаткорлар иштирок этиш истагини билдирдилар. Бу ҳақда бизни Қори Еқубов номли Ўзбек филармонияси директорининг ўринбосари Давлат Алимов хабардор қилди.



Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АҚРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Мўминхаммадатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТУЛГАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.



- Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
- Масъул котиб — 56-52-78
- Котибнинг — 56-87-89

#### БҮЛИМЛАР

- Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Хатлар, оммавий ишлар, тираж, рақамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-78; 56-87-73.
- Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-63.
- Безатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, ҳўжалик ва ноширлик — 56-55-85.

#### ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:


- Андижонда — 5-32-24;
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-63-64;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-59;
- Урганча — 6-87-82;
- Фарғонада — 4-47-73;
- Қаршида — 5-33-71.
- Муҳарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
- «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кўни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.



#### СОТУВДАГИ НАРХИ 3 СУМ.

- ДУШАНБА кўнлари чиқади.
- Босишга 25 сентябрда топширилди.
- Навбатчи масъуллар: Турғун Назаров, Жонрид Абдуллахонов.
- **МАНЗИЛИМИЗ:** 700185, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» газетаси кўчаси, 24 -уй.
- Буюртма 386
- 110000 нусхада босилди
- Ўзбекистон Республикаси «Шарк» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов шу йил 17-19 август кунлари Ҳиндистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан шу дўст мамлакатда расмий дўстона ташриф билан бўлди. Ташриф пайтида икки томоннинг вакиллари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида иқтисодий, савдо, илмий-техникавий ҳамда маданият, санъат, таълим, фан, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимларни имзоладилар.

Ўзбекистон ССР Президентининг расмий ташрифи Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет — Ҳиндистон шартномаси-

нинг йигирма йиллигига тўғри келганлиги рамзий маънога эгадир. ПТИ ахборот бошқармаси таъкидлаганидек, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон шу муҳим ҳужжатнинг амал қилиш муддатини яна йигирма йилга узайтирганликлари мамнуният туйғуларини бахш этиб, иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

● Суратларда: Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон Бош вазири П. В. Нарасимха Рао билан суҳбатда.

● Ҳиндистон ҳукуматига совға қилинган рассом Б. Жалоловнинг «Мангу ва навқирон Ҳиндистон» асари.

## Дўстлик ришталари

Ҳиндистон почта ходимлари касаба уюшмаси миллий федерациясининг таклифига биноан ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Маркаий Кўмитасининг раиси Т. Назаржонов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Ҳиндистонга ташриф буюрган эди.

Яқинда Ҳиндистон почта ходимлари касаба уюшмаси миллий федерациясининг бош қотиби К. Л. Мазо бошчилигидаги беш кишидан иборат

делегация жавоб визити билан Ўзбекистонда бўлди. Ҳиндистонлик меҳмонлар сафар вақтида республика алоқа ходимларининг турмуш даражаси, меҳнат шароитлари билан танишдилар. Делегация аъзолари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Т. Собитов ҳамда республика алоқа вазири К. Раҳимов билан учрашдилар. Учрашувлар вақтида Ҳиндистонлик меҳмонлар республика тармоқ касаба уюшмасининг ҳамда алоқа вазирлигининг ишлари, улар олдида турган

бугунги муаммолар билан қизиқдилар. Алоқа корхоналари ўртасида амалий ҳамкорлик боғлаш, ўзаро муносабатларнинг мустаҳкамлаш ва доимий суратда тажриба алмашиб туриш сингари масалаларни ҳал қилиш юзасидан келишиб олинди.

Меҳмонлар Бухоро ва Самарқандга ҳам бордилар. Икки қадимий шаҳарнинг тарихий обидаларини кўздан кечирдилар.

М. АБДУЛЛАЕВ.

## ҲОВЛИ ТҮЙЛАРИ

● **ФАРҶОНА** районидagi Миндон қишлоғида яшовчи Ибодулло Аҳмадалиев ва Абдурахмон Каримовлар оилалари ҳамма қулайликлари бўлган янги уйларга кўчиб кирдилар. Сув тошқини ва сел натижасида қишлоқдаги бир неча уй бузилган эди. Мана энди ҳовли тўйлари бошланди. 80-сонли хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна жамоаси табиий офатдан зарар кўрганлар учун уй-жой қурилишида тез ва сифатли ишламоқда.

Фарғона вилоятида деҳқонлар бошига тушган кулфатни тугатиш комиссияси оператив иш олиб бормоқда — тиклаш ишларининг ҳаммаси қурилиш ташкилотлари ўртасида тақсимланган, бинокорлик материаллари билан таъминлаш йўлга қўйилган.

## ЯНГИЧА ИШЛАБ

● **ХИВА** районидagi Фрунзе номли жамоа хўжалигининг заводи бу йилги ҳосилдан дастлабки бир миллион банка консерва тайёрлади. Ҳозир бу ерда помидор, бодринг, карам, олма ва бошқа ёз неъматлари икки сменада қайта ишланмоқда.

Бу йилги мавсум олдингиларидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Оилавий ва ижара жамоалари, томорқа эгалари ортиқча маҳсулотни ўзлари мустақил равишда келтира бошладилар. Иш жадвали ҳам ўзгарди. Ҳосил эрталабдан кечгача қабул қилиб олинади. Юк ортиш ва тушириш ишлари пухта бажарилмоқда, нобудгарчиликка йўл қўйилмаяпти.

Бу йил заводда камида уч миллион банка консерва ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Мамлакатнинг турли минтақаларидан бундай маҳсулотларга буюртма келяпти. Консерва маҳсулотлари эвазига жамоа хўжалигига ёғоч, шифер, трикотаж, поябзал, цемент, пўлат қувурлар келтирилмоқда.

(ЎзТАГ)



● Пискент районидagi Тельман номли колхозда ҳам шу кунларда меҳнат айниқса авжида. Абдували Қобулов бошчилик қилаётган бригада аъзоларининг бу йилги аҳди 300 тонна пахта топширишдир.

Сиз суратда кўриб турган омилкор механизатор Қамбар Йўлдошев жонбозлик кўрсатиб ишламоқда.

Суратнаш В. ТУРАЕВ.


## ИШЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Шаҳар аҳолисининг қиш фаслини иситиш тармоқларисиз ўтказишини тасаввур қилиш қийин. Бу тармоқ ходимлари меҳнатининг муваффақияти эса уларга яралиб берилган шарт-шароитга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бинобарин, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳайъати Наманган шаҳридаги мазкур соҳа жамоаси меҳнат шароитини яхшилашни кўзда тутиб уларнинг овқатланишлари учун социал суғурта жамғармасидан 48,8 минг сўм ёрдам пули ажратди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,  
Наманган вилояти.

## БИТИМ ТУЗИЛДИ

ОЛМАЛИҚ товар-хон ашё биржаси бу ерда ўтказган савдода юзлаб минг сўмлик битим тузилди. Унда тақчил хон ашё ва материаллар, ушбу саноат маркази, шунингдек Бекобод ва Оҳангарон меҳнат жамоалари ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдога қўйилди. Олмаликдаги йигирмага яқин саноат корхонаси биржа муассислари бўлди.



Ёғоч-тахта анконинг тухуми бўлиб турган ҳозирги пайтда жамоа хўжалиги омборида 300 кубометр қурилиш материал турибди. Кейинги уч йилда хўжалик Красноярск ўлкасидан бир минг кубометр ёғоч-тахта, фанер олди. Бугун-эрта омборга 5000 дона шифер келиб тушади. Ғишт ҳам, цемент ҳам, газ ва сув учун катта-кичик қувурлар ҳам бор. Хонадонлар тўла газлаштирилди. Уй-жой, маъмурий, маданий-маиший бинолар қурилиши кенг кўламли олиб бориляпти.

Бунга қандай эришиляпти?

Кўпчилик жамоа ва давлат хўжаликлари бозор иктисодига ўтиш даврининг жабрини тортаяпти. Аввало пули йўқ. Пул топганда эса сотиб оладиган нарса йўқ. Аммо Ленин номи жамоа хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшма кўмитаси пулни ҳам топяпти, буюмни ҳам. Сабаби битта — хўжалик раҳбарияти халқ учун қайишади, унинг қийинчиликларини, дардларини тушунади. Шунинг учун бу ерда ҳар қандай ишнинг эпи топиляпти.

Халқ катта куч, у ҳамма ишга қодир деймиз. Бу гап тўғри-ю битта лекин бор. Халқни қимдир, қимлар-дир бошқариши, тўғри йўлдан етаклаши керак. Акс ҳолда бу катта куч ўз йўлига қурилган тегирмонни, электр станцияни кўпориб ташлаб, самарасиз оқиб ётган дарёга ўхшаб қолади.

1988 йил эрта баҳоригача жамоа хўжалиги ана шундай дарёга ўхшар эди. 3 март куни катта йиғилиш бўлиб, хўжалик бошқарувиغا Султон Раҳмонқулов раис қилиб сайланди. Лекин у бу вазифага ўзи хоҳлаб келгани йўқ. Уни халқ илтимоси билан олиб келишди. Ушанда янги сайланган раис халқ олдида учта талабни қўйди.

— Биринчиси, — деди у, — Менга айрим кадрларни алмаштиришга ижозат берасиз. Иккинчиси, анча штатларни қисқартираман. Учтинчиси, ҳақ тўлашининг аввалиги тартибин бузиб ташлайман. Шуларга рози бўлсангиз, ишлайман. Бўлмаса, ҳозирок изимга қайтиб кетавераман.

Чиндан ҳам раис янги лавозимга ишқибоз эмасди. У Димитров пахта тозалаш заводида директорлик қилаётган эди. Жамоа хўжалиги иши изидан чиққани, интизом бузилганини, баъзи раҳбарлар оз ишлаб кўп даромад олишга ўрганганини, хўжаликнинг уч ярим миллион сўм қарзи борлигини биларди. Бу ишларни ўнглаб олгунча қуйиб-пишиши, изтироб чекиши, таънау дашномларга дуч келиши ҳам унга аён. Хуллас, С. Раҳмонқуловни халқ талаби, одамларнинг оғирини енгил қилиш истагига осон ишдан кийин ишга олиб келди. Ҳозирдан айтиб қўя қолай, Султонбек халқ ишончини ҳам, район ва вилоят

раҳбарларининг ишончини ҳам оқлаяпти. Охири ҳам бахайр бўлсин.

Раис кўрдики, хўжаликда бошликлар кўп, уларнинг ўринбосарлари кўп. Лоф қилиб айтсак, қоровулнинг ҳам муовини бор. Тезда буйруқ чиқарди, 108 штатни қисқартирди. Уларга айтди: хоҳласаларинг далага чиқиб ишланглар. Хоҳламасаларинг, ўзларинг иш топинглар. Албатта шунча одам раисни ёмон кўрди. Касаба уюшмаси билан халқ эса уни кўллаб-қувватлади. Ҳақиқатда хўжалик ортикча штатлар қисқаришини ҳисобига салкам 300 минг сўм пулни тежаб қолди.

Энди раис техникага «хужум» бошлади. Хўжаликда трактор, комбайн сингарилар кўпайиб кетибди. Яна ҳар йили янги техника сотиб олинавэрар

лиш материаллари келтирилади.

Қурилишлар шунчалик кўпайдики, санаб тугатиш қийин. Ташландик бино батамом таъмирланиб, хўжалик идораси кўчиб ўтди. Эски идора қайта қурилиб 250 бола тарбияландиган боғчага айлантирилди. Хўжалик каттагина клуб биносини тиклаб олди. Ҳаммом майдонида пишиқ ғишдан маиший хизмат кўрсатиш комплекси қуриляпти. Бу комплекста сартарошхонадан тортиб телеушонагача, новвойхонадан тортиб тикиш цехигача бўлган ҳамма хизмат турлари жойлашади. Йўллар кеңгайитрилди, эски дарахтлар янгиланди.

Хўжаликда гилам тўкиш цехи ишлаб турибди. Видеобар, кандолат цехи меҳнатқашлар хизматида. Атлас тўкиш цехи учун жой ҳозирлаб қўйилди. Ипак ҳам хўжаликнинг

лар ҳақида кўп гапириш мумкин. Ҳозирча буларни қўя турайлик, хўжалик меҳнат аҳли бугун иктисодий жиҳатдан нималарга эришгани ҳақида тўхталайлик. Болалар — келажак-гимиз. Улар ҳақида алоҳида гапхўрлик қилинмоқда. Бинолар, жиҳозлар, ўйинчоқлар етарли, овқатлар мазали. Ота-оналар ким бўлишидан, қаерда ишлашларидан қатъий назар боғчага бир тийин ҳам пул тўламайдилар. Биринчи синфдан ўн биринчи синфгача бўлган ҳамма ўқувчилар бепул нонушта билан таъминланган. Хонадонларга мол, ем-хашак, бугдой, ҳатто гуруч берилади. Бу йил 100 гектар ерда шולי ўстириляпти. Унинг ҳосилдан биринчи навбатда тўй қилганлар, ночор ва кўп болали оилалар наф қўради. Бу йил кузда 100 гектар ерга бугдой экилади. Шу ердан олинган ҳосил ҳам хўжалик аъзоларига таксимлаб берилади.

Аълочи ўқувчиларга стипендия бериляпти. Шу йилдан бошлаб ўқувтарбияда намуна кўрсатган ўқитувчиларнинг иш ҳақи жамоа хўжалиги 50 фоиз пул қўшиб бериляпти. Келгуси йилдан бу пул миқдори икки барабар ошади. Тасаввур қилинг, ўқитувчи бир ойда 400 сўм иш ҳақи олади, жамоа хўжалиги ҳам унга шунча ҳақ беради. Жами 800 сўм!

Бу йил наврўздан бошланган ҳайрия иши кенг қулоқ ёймоқда. Наврўз байрами куни Иқбол Бегматовга, яна бир неча кишига сугир бепул совға қилинган эди. Бир неча кишига қўй берилди. Бир куннинг ўзида ўнг минг сўмлик совға тарқатилди.

Ленин номи жамоа хўжалиги аъзолари яқинда кунлар дама оладилар. Бундан ташқари, даладаги иш эрталаб соат 6<sup>00</sup> да бошланиб, соат 13<sup>00</sup> да тугайди. Тушдан кейин ҳеч қандай ишламасади. Тушгача давом этган иш вақтида деҳқонлар унумли меҳнат қиладилар. Унумдорлик юқори, сифат аъло.

Шу йилнинг ўтган олти ойида кичкинагина хўжаликтан 200 киши 6 та шаҳар бўйлаб саёҳатга (бепул) бориб келди, 25 киши санаторийларда дам олди.

Бу йил хўжалик камида бир ярим миллион сўм соф фойда олишни режалаштирган. 1993 йилга бориб бу фойда беш миллион сўмга етиши мумкин. Бу хом ҳаёл эмас. Аввало ҳосилдорлик ва маҳсулдорлик ошади, энг муҳими ёрдамчи тармоқлар ғоят қучайиб, катта фойда беради. Агар юқорида айтилгандай пахта заводи хўжалик ихтиёрига берилса, даромад ҳам, соф фойда ҳам мўлжалдагидан бир неча баробар ортади. Бундан эса меҳнатқашлар, уларнинг фарзандлари манфаатдор бўладилар. Шундай одамлар орасида яшагинг, ишлагинг келади.

С. СУЛТОНОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

## ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

### БОЁВУТ РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРУВИ ВА КАСАБА УЮШМА КЎМИТАСИНING ИШ ТАЖРИБАСИДАН

экан. Раис буни ман қилиб қўйди. «Эскини эплайсан!» — хитоб қилди у ҳаммага, — Агар ноним бутун бўлсин десанг, шундай қиласан, гап тамом!»

Албатта, ўзи томошабин бўлиб ўтирмади. Бировлар ҳисобдан чиқариб ташлаган техника воситаларини сув текинга сотиб олди. Эҳтиёт қисмлар топди. Агар шундай қилмаганда аввалги уч ярим миллион сўм қарз ҳозир етти миллионга айланармиди. Ҳамма нарса қиммат бўлиб кетди-ку, ахир.

Қоровул билан фаррош — энг кам ҳақ оладиган киши. Раис энг кам маошни 200 сўмга чиқариб қўйди. Мутахассислар дод-вой солишди, раис эса чекинмади. Ҳозир ҳар бир кишининг ўртача иш ҳақи 300 сўмни ташкил қиляпти. Бунга йил охиридаги қўшимча ҳақ ва мукофот кирмайд.

Хўжалик аъзоларига 150 та участка берилди. Ер олган кишиларнинг 30 фоизи уй деворини тиклади, қолган 70 фоизи пойдеворни қуйиб қўйди. Буларнинг ҳаммасига хўжалик қурилиш материаллари топиб бериляпти. Юқорида Красноярск ўлкаси билан ўрнатилган алоқани айтган эдик. У ёкка мева, қовун-тарвуз, мева консервалари етказиб берилади, шуларнинг пулига ёғоч-тахта сингари қури-

ўзидан чиқади. Мевали дарахт қўчатлари етиштиришнинг ўзидан яхшигина даромад олинмоқда. Келажакда шу тармоқнинг ўзи бир миллион сўмгача даромад келтиради. Мева, сабзавот, қовун-тарвуз сақлайдиган минг тонналик совуқхона — омбор эса удан ҳам кўпроқ фойда келтиради.

Бир қарашдан аримайдиган кўринган нарсалар ҳам борки, раис Султон Раҳмонқулов, касаба уюшма кўмитаси раҳбари Очилбой Носировлар ана шу нарсаларга ҳам катта эътибор беришляпти. Масалан ҳаммомда аёллар учун алоҳида чойхона — дам олиш хонаси жиҳозланяпти. Қишлоқ ёнгинасидан ўтадиган катта ариқ устидаги шаршарага иккита чойхона қурилади. Буяда биринчидан, халқ учун қулайлик яратилса, иккинчидан, хўжалик каттагина даромад олади.

Келажакда дурадгорлик цехи кеңгайитирилади. Минг ўринли мактаб биноси қурилади. Димитров пахта заводини жамоа ўз ихтиёрига олиш таклифини ўртага ташлади. Агар бу таклиф амалга охса, хўжалик давлатга пахта толаси сотмайди, балки, газламалар, асосан тайёр кийимлар етказиб беради. Еғ ҳам, совун ҳам шу ернинг ўзида чиқарилади.

Бошлаб қўйилган қурилишлар, катта фойда келтирадиган ишлар, режа-

## Андижон вилояти касаба уюшмаларида

### ● МИЛЛИЙ МАСАЛАГА ЭЪТИБОР

Қўргонтепа районидаги Фрунзе номи картошкачилик давлат хўжалиги касаба уюшмаси байналмилал тарбияга алоҳида эътибор бермоқда. Хўжаликда асосан ўзбеклар ва қирғизлар яшайдилар. Улар ҳамиша бир оила фарзандларидек: қуда-қудагай, қариндош-уруғ. Утказилаётган ҳар бир тадбирнинг байналмилаллик хусусиятига катта эътибор берилади.

Ўзбекистоннинг тўйида қирғиз ирлари, ўланлари янграйди, қирғизнинг тўйида тўрда ўтирган ўзбек биродарлар энг яхши қўшиқ ва рақсларни дўстарига армуғон этадилар.

— Шаҳримизда жуда кўп дўстлик учрашувлари ўтказилмоқда, — дейди давлат хўжалиги касаба уюшмасининг раиси Н. Аҳмадалиев. — Яқиндагина шеърят мулкининг султони Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланган адабий-ба-

дий кечада қўшни Қорасув, Сузоқ районларининг вакиллари иштирок этган эдилар. Куни кеча Советободга Қирғизистоннинг Қизилқия, Қорасув, Новқат, Жалолобод, Ўзбекистоннинг Қувасой ва Қўргонтепа шаҳарлари вакиллари ташриф буюришди. Улар ўзининг 20 йиллигини ишонлашга тайёргарлик кўраётган шаҳар билан танишдилар. Меҳнатқашларимиз бу тадбирларда фаол иштирок этишди.

### ● ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА АСОСАН

Бўз пахта тозалаш заводи ёрдамчи хўжалиги ишчи ва хизматчиларни иссиқхонада етиштирилган қарам, лимон, помидор, бодринг каби маҳсулотлар билан таъминламоқда. Бундан ташқари ёрдамчи хўжаликда 35 яшиқда асалари ҳамда 58 бош қорамол парвариланмоқда. Утган йилги ҳосилдан яқинда салкам уч юз килограмм асал ишчиларга арзон нархда сотилди.

— Бу нарсаларнинг ҳаммаси жамоа шартномасида кўзда тутилган эди, — дейди биз билан

суҳбатда касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Собиржон Мўминов. — Шартномага асосан бу йилги мавсумда ишчи ва хизматчиларимизга вилоятимиздаги соғломлаштириш масканларига йўлланмалар бепул берилмоқда. Пенсия ёшига етганларга юз сўмдан пул ва совға-саломлар топшириб, тантанали равишда кузатиб қўймоқдамиз.

Жамоа шартномасида турар жой масаласини ҳал қилиш ҳам кўзда тутилган.

### ● ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ УРГАТАДИ

Касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси қошидаги хўжалик ҳисобида ишловчи маданият уйи меҳнатқашларга бир қатор янги пуллик хизмат турларини таклиф қилди. Жумладан, томошабинларнинг таклифи асосида кинозалга янги экран илинди, шундай қилиб энди бу ерда кең экранли фильмларни намойиш қилиш имконияти яратилди.

Аҳолига транспорт хизмати, кино ускуналарини жиҳозлаш, мусиқа асбобларини тузатиш ва сошлаш, видеокассетага ёзиш ва сотиш ишлари ташкил этилди.

Маданият уйининг юқори малакали мутахассислари тўй ва бошқа тантаналар сценарий асосида ўтишида ёрдам берадилар, ашула ва рақс ансамбллари эса эл хизматида бўлади.

Маданият уйи жамоаси вилоятдаги бошқа ҳамкасбларига ҳам амалий ёрдам бераётир.

### ● УСТОЗЛАР МАДҲИ

Дунёдаги барча касб эгаларини бирлаштириб турувчи яна бир касб эгаси бор. Самода парвоз қиладиган фазогир, уммон қаърида бойликлар қидираётган олим, ер юзини яшнатаётган деҳқон, барча-барчанинг биринчи ўқитувчиси, ҳаётдаги биринчи ўстози бор. Бу — ўқитувчидир. Устоз ўзининг шогирди билан фахрланса, шогирд доимо ўстози ҳақида ҳурмат билан гапирди.

Андижондаги «Тантаналар уйи»да «Улар бизнинг ифтихоримиз» мавзусида бўлиб ўтган кечада вилоятдаги халқ таълими ва фан ходимлари фахрийлари шарафланди. Уларни тармоқ касаба уюшмаси вилоят кўмитасининг раисаси Азиза Насриддинова самимий қутлади.


### ● ЯЙЛОВГА КЕТИШ ОЛДИДАН

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари имзолаган дўстлик ва ҳамкорлик шартномасига асосан бу йил Қирғизистон яйловларига вилоят чорва моллари ана олиб чиқиладиган бўлди. Деҳқончилик — санаот ходимлари касаба уюшмаси Андижон район кўмитаси ташаббуси билан «Боғшамол» дам олиш оромгоҳида чўпонларни яйловга қузатишга бағишланган байрам кечаси ўтказилди.

Олой яйловларига жўнаб кетётган чўпонлар, чорвачилик мутахассислари ва уларнинг оила аъзолари қатнашган бу байрамда улар шаънига илиқ сўзлар айтилди. Маданият ходимлари, шифокорлар тез-тез чўпонларнинг ҳолидан хабар олиб туришга ваъда бердилар.

Байрамда дошқозонларда миллий таомлар пиширилди, район маданият уйи ашула ва рақс дастаси хизматда бўлди. Инфр чўпонларга ҳалол меҳнат учун эсдалик совғалари топширилди.

С. УЗОҚБОЕВ.



## ХОРДИК ХОРДИКДЕК БЎЛСИН

Абдуқодир ЗИЁЕВ,  
бош шифокор

БОЗОР иктисодиётига ўтиши- миз муносабати билан нарх-на- вонинг ошиб кетиши меҳнаткаш- ларнинг саломатлигини яхши- лаш учун кўпроқ маҳаллий шифо масканларидан фойдала- ниш масаласини кўндаланг қи- либ қўймоқда. Ана шулардан ҳу- лоса чиқарган жамоамиз катта- гина пул сарфлаб, бор имконият- лардан тўлароқ фойдаланиш за- рурлигини юракдан ҳис этиб ту- рибдилар.

Профилакторий ўрикзор ва беҳизор боғлари ичида жойлаш- ган. Унинг серсалкин йўлақлари, фавворалари атрофида саккиз минг тупдан зиёд атиргуллар барқ уриб ўсиб ётибди. Шаҳар- нинг саноат минтақасидан чет- рокда бўлганимиз учун ва кў- каламзорлаштириш туфайли бу ерда ҳаво мусаффо ва салкин.

Юз кишига мўлжалланган за- монавий бинодаги хоналар бир ёки икки нафар дам олувчига хизмат қилади. Хар бир каватда дам олиш хонаси, телевизор, шахмат-шашка ва бошқа кўнги- лочар хоналар бор. Бильярдхона очишни мўлжаллаб турибмиз.

Энди даволаш ишларига кела- диган бўлсак, бизда бошқа сана- торий-профилакторийлардан фарқли равишда бир катор му- олажаларни киритганмиз. Хитой табобатида кенг қўлланиладиган игна билан даволаш, асал муми билан нафас олиш йўларини соғломлаштириш (ингаляторий), магнит билан даволаш шулар жумласидандир. Хотин-қизлари- мизнинг ҳаммаси акушер-генеко- логлар текширувидан ўтадилар. Тиш доктори ҳам барчани бир- бир кўриб чиқади. Ички дард- лар, асаб хасталиклари, касб ка- салликларидан фориғ этиш учун бизда катта имкониятлар мав- жуд.

Пахтазорларда ишлайдиган ходимлар бир йилда ҳеч бўлмаса бир марта албатта бизнинг про- филакторийда даволанишлари лозим. Бу факат хаста бўлган одамгагина эмас, соғлом кишига ҳам кераклидир. Чунки бир йил давомида ютилган чанглар дам олиш пайтида танадан чиқиб кетади. Агар уч йил даволашмай қолинса, у танада бугунлай қо- либ қетиши ва оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Асалари муми билан даволашда бунинг тўлиқ олди олинади.

Умуртка поғоналарининг, бў- гинларнинг ўзгариши билан боғлиқ астеҳандроз дарди ва на- фас қисий касалликларининг да- волашда республикамизда би- ринчилардан бўлиб магнит орка- ли муолажа олиб бормоқдамиз. Олиб борган текширув ва тадқи-

котларимиз учта илмий мақола ва иккита ихтирочилик таклифи- да мужассам бўлган. Хомила- дорлик пайтида дуч келинадиган турли-туман хасталикларга ҳам бизда тез шифо топиш мумкин. Ошқозон-ичак касалликлари- нинг кучайиб кетишига чек қў- йиш усулимиз ҳам бор.

Профилакторийда олиб бори- лаётган диққатга сазовор иш- лардан яна бири, бу фарзанд- сизликка қарши курашдир. Юк- сак инсоний бахтни орзу қилиб турмуш курган жуфтларнинг аж- ралиб кетишига олиб келаётган бу хасталикнинг ҳам чораси то- пиш мумкин экан. Профессор- лар А. Жўраев, М. Абдуллаев ва В. Пономарёвалар усулида олиб борилган муолажалар натижа- сида бизга мурожаат этган ки- шилардан икки нафариди фар- занд туғилиш нишониси кўри- ди. Бу жамоамиз ходимларининг жуда катта ютуғидир.

фобахш сувларини бир зумда тайёрлаб бераман. Чунки бизда Қора денгиз ва Карлови Вари сувларининг тузи бор. Ваннада ҳузур қилиб чикканингиздан ке- йин олисадаги машҳур курорт- ларда даволангандек бўласиз. Бундан ташқари мен яна сизга хвоя, скипидар, магнит ваннала- ри тайёрлаб бера оламан. Бу- ларнинг ҳаммаси сизни бир ка- тор дардлардан фориғ қилади.

Бўлимимизда тўртта ванна бў- либ, уларга доимо иссиқ сун қуйилади. Шу ернинг ўзида етти хонадан иборат фин ҳаммоми- нишга туширилмоқда. Унда куруқ буг, фитобар, массаж хонаси, кичик сув хавзаси бўлади. Фин ҳаммомини камбағалнинг шифо- хонаси дейишади. Чунки куруқ буг жуда кўп шамоллаш билан боғлиқ дардларни даволашга ёр- дам беради. Врач сизнинг соғли- гингизни назоратдан ўтказгач, фин ҳаммомига тушиш тартиби-

ки тўғри ташкил этилган ов- қатланиш бу умрнинг боқийлиги, нотўғри ташкил этилганда эса умрнинг эговидир. Ана шунинг учун ҳам шифо масканимиз жа- моаси ўз соғлигини тиклашга келган меҳнаткашларни қатъий тартиб билан, шифокорларнинг кўрсатмалари асосида овқатла- нишга эришадилар. Дастлаб биз- нинг «қаттиққўллимиздан» ха- фа бўлиб юрган дам олувчилар тез орада бунинг фойдасини ту- шуниб қоладилар.

Профилакторийда юз ўринли ошхона бор, у ўйма ганчкорлик билан ниҳоятда шинам қилиб бе- затилган. Кейин, ёруғ залда ку- лай, юмшоқ стол ва стуллар қўйилган. Гуллар билан безатил- ган дастурхон атрофида дам олиб, соғлигини тиклаётганлар тамадди қилиб, ширин суҳбат ку- радилар.

Шу ернинг ўзида мижозлар- нинг талаби билан турли хил шифобахш димламалар, кисло- род коктейли тайёрлаб берилади. Хар бир даволанувчининг ўзи учун шифокор тавсияси билан алоҳида пархез таомлари тайёр- лаб берилади. Умуман мижоз- ларимизга қунига тўрт марта таом пиширилади.

Бундан ташқари дам олаётган- ларнинг таклиф ва истакларини ҳисобга олган ҳолда кўпроқ миллий таомлар тайёрлашга эътибор берилмоқда. Ошпазла- римиз томонидан тайёрланган палов, лагмон, угра, чучвара, хў- нон ва бошқалар доимо севиб танаввул қилинади. Дехқонла- римиз етиштирган помидор, бол- динг, кулупнай, гилос ва турли кўкатлар дастурхонимизни яна- да кўркам қилиб юборди.

Профилакторийимизда дам олиб, соғлигингиз тиклангач, буларнинг ҳаммасини ўзингиз кўрасиз ва ишонч ҳосил қиласиз.

ўзлари билан турли аппаратлар- ни, дорилар ва бошқа препарат- ларни олиб, болалар боқчасига бордилар. Биргина бирлашмага қарашли боқчаларда саккиз юз- га яқин тез-тез оғрийдиган, су- рункали хасталикка чалинган бо- лалар бор экан. Уларни гуруҳ- ларга бўлиб, муолажани бошлаб юбордик.

Қилган ишларимиз зое кетма- ди, ана шу болаларнинг ҳаммаси кучга тўлиб, бақувват бўлиб ке- тишди. Уларнинг оналари ўз жа- моаларида тинч меҳнат қилмоқ- далар. Шундай қилиб, айни кун- ларда бирлашмада ҳар юз нафар ишловчи онанинг фақатгина ўн тўрт нафари хаста боласига қа- раш учун касаллик варақаси ол- моқда. Бу бутун мамлакат бўйи- ча энг яхши кўрсаткичга тенгдир.

Ана шу натижалар бизни янги ишларга руҳлантирди. Ушбу гу- руҳ шифокорлари Пойтуғдаги атлас фабрикасида бўлишди. У ерда ўтказилган тиббий кўрик- дан сўнг дастлабки эллик киши- нинг саломатлигини яхшилаш керак, деган ҳулосага келинди. Уларнинг ҳар бири учун пархез таомлари, муолажалар белги- ланди. Йигирма тўрт кун давоми- да ҳар бир ишчи ўзининг аниқ- ланган дарди бўйича самарали муолажалар олишди. Энди бу му- хим иш яна давом эттирилади.

## БИЗДА ЗЕРИКИБ ҚОЛМАЙСИЗ

Хонзода АБДУРАЗЗОҚОВА,  
бошланғич касаба уюшмасининг  
раиси

САЛОМАТЛИгини тиклаги- ни келганларни фақат даволаб- гина қолмай, балки уларнинг бўш вақтларини кўнгили ўтқа- зишлари учун ҳам бир катор тад- бирлар амалга оширилади. Бу- нинг учун ҳар бир гуруҳ давола- нишни бошлаётган чоқда, ундаги кишилар истак ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда оммавий- маданий тadbирлар режаси тузиб чиқилади.

Бирлашма бадий хаваскор- лик жамоаси, шаҳардаги 2-ма- данийт уйига қарашли ашула ва ракс дастаси тез-тез концерт- лар бериб туришади. Хар бир гу- руҳ албатта Фарғона, Ўш, Қў- қон, Самарқанд, Советобод ша- ҳарлари ва Шохимардон каби гўмалардан чирига икки кунлик саёҳатга чиқади.

Бундан ташқари биргалашиб янги кинофильмлар, спектакл- ларга бориш ташкил этилади. Жамоамиз саломатлигини яхши- лаш учун келган ҳар бир киши бу ердан олам-олам маданий озука ҳам олиб кетсин, деб бор имко- ниятларини ишга солади.

У. САКСОНБОВЕВ ёзиб олди.

## ТЎҚИМАЧИЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Андижон ил-газлама бирлашмасининг юз ўринли санаторий-профилакторийси 1985 йилдан буён тўқимачилар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида иш олиб бормоқда. Утган даврда бу ерда бирлашма ва районлардаги йиғирув-тўқув фабрикалари, энгил саноати вазирлигининг бошқа корхоналаридан келган 6500 дан зиёд ишчи-хизматчилар ўз саломатликларини тикладилар.

Шифо масканига келган кишиларнинг саломатлигини яхши- лашда ўн тўрт нафар олий ва ўрта маълумотли тиббиёт ходим- лари сидқидилдан меҳнат қилаёттирлар. Улар тиббиёт оламидаги янгиликларни дадил қўллаб, меҳнаткашларнинг олқишларига сазовор бўлмоқдалар.

Мухбиримиз ана шу санаторий-профилакторийда бўлиб, унинг шифокорлари билан суҳбатлашди.

Олиб бораётган даволаш ва профилактика ишларимизнинг чуқур илмий асосга эга бўлиши учун ҳаракат қилмоқдамиз. Ан- дижон тиббиёт олийгоҳи физио- терапия ва даволаш жисмоний тарбияси куллиётининг профес- сори Азим Жўраев илмий йўна- лишимизга раҳбарлик қилиш би- лан биргалликда, ҳафтада бир марта беморларни текинга қабул қиладилар. Профессорнинг қа- булига яқин атрофдаги бошқа профилакторийлардан ҳам кўп- чилик келади

## КАРЛОВИ ВАРИ КЕРАКМИ ЁКИ КРИМ?

Феруза АЛИМГУЛОВА,  
профилакторийнинг бош  
хамшираси

БИЗГА даволанишга ёки соғ- лигингизни тиклагани келсангиз, мен ўз қўлларим билан сизга ана шу машҳур жойларнинг иш-

ни белгилаб беради. Ошқозон-ичак хасталиклари, оёқ ва бўгинлар оғриғи, турли- туман шикастларни даволаганда эса танани массажа қилдириш, шам-озакерит копламасини қа- бул қилиш катта аҳамиятга эга- дир. Бунда малакали мутахас- сисларимиз сизнинг хизматин- гизда бўладилар. Электр билан даволаш бўлимида элликка яқин совет ва хорижий аппа- ратлари ишлаб турибди.

## УМР БОҚИЙЛИГИ

Зухра ХУСАИНОВА,  
пархез бўйича ҳамшира

Бизгача ўтган ҳақимлар ва тиббиёт илми овқатланишнинг инсон ҳаётида жуда катта роль ўйнашини таъкиллайдилар. Чун-

Бизнинг ўнлаб шифохона- ларимизда Асияхонга ўхша- ган юзлаб зийрак, хушмуоми- ла, чаққон ҳамшира қизлари- миз сидқидилдан меҳнат қи- лишяпти.

Асия Галиева Улуг Ва- тан уруши қатнашчилари- нинг Тошкентдаги госпи- талида 21 йилдан бери иш- лайди. Бу ерга даволангани келган-чи кишилар Асияхон- дан миннатдор бўлишади. Асияхон қўли энгил, кўнгли тоза, ниҳоятда гайратли ҳам- шира.

Ҳа, фронтларда юртимиз осойишталиги учун хизмат қилиб келган, эндиликда ҳаё- тимиз фахрийлари бўлиб қол- ган отахонларнинг соғ-сало- матлигини қўриқлаш, улар- нинг узок умр кўришларига ҳисса қўшишдан ҳам савоб- лироқ вазифа борми? Сўраткан В. ТўРАЕВ



## ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

АНДИЖОН вилояти халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси хайрли ишга ташаб- бускор бўлдилар. Таркиби Сочининг денгиз суви дара- жасида минерал сув чиққай Марҳаман районидаги Пол- вонтош қишлоғи ҳудудида республикада, ҳатто Итти- фокда ягона маъорифчилар профилакторий — санато- рийси қуриладиган бўлди. Бу ерда асосан қон айланиши- нинг бузилиши, бўгинлар яллиғланиши, буйрак, асаб касалликларидан қийналган кишилар шифоланиб, сало- матликларини тиклашлари мумкин.

Ҳисоб-китобларга қараган- да, 200 ўринли бу шифо маскани 5 миллион сўм маб- лағ билан тикланди. Ҳозирги танг кунларда бу кичкина

маблағ эмас. Шунинг учун ҳам вилоят маъориф ходим- лари касаба уюшмаси қўшма вилоятлардаги ҳамкасблари- га мурожаат қилдилар. Улар- ни таклиф қилиб ҳамкорлик- ка қақирдилар.

Республика Халқ таълими вазирлиги бу хайрли ишни қўллаб-қувватлади. Йилига 300 минг сўмдан пул, битта юк машинаси, битта автобус билан таъминлашни ўз зим- масига олди. Шунингдек, во- дийнинг бошқа вилоятлари, алоҳида ташкилотлар ҳам ҳамкорлик қилишга, бу эзгу ташаббусни амалга ошириш учун қўлларидан келганча ёрдам беришга тайёр экан- ликларини билдирдилар. 117 минг сўмлик лойиҳа-смета ишлари тайёр бўлди.

Ҳадемай, қурилиш ишлари бошланади.

З. РУЗИЕВА,  
«Ишонч» муҳбири.

ТЎЙХОНАГА узок-якин киш-локлардан одамлар кела бошлади. Саттор бунинг қариндошлари, таниш-билишлари, хуллас Чирокчининг етти даҳасидан одам бор эди. Пахтакор кишлоғида якин орада бундай катта тўй бўлмаган, бунча кўп одам йиғилмаган эди. Даврага минг чоғли одам тўпланди.

Хаммага кўринарли жойга кўйилган столга бугунги тантананинг «гуноҳкор»лари Саттор бува ва Холдор момо ўтиришди. Уларнинг ёнидан энг якин дўстлари ва дугоналари жой олдилар.

Даврани шу кишлоклик гапга чечан суҳандон Қувон Маматов олиб борди. У даврани очиб, Саттор бува ва Холдор момони 60 йиллик тўйлари билан табриклади. Саттор Қўйлиевга юбилей муносабати билан вилоят ва район партия, совет ташкилотларининг Фахрий ёрликлари берилгани, у киши «Жигули» енгил автомашинаси билан мукофотланганини айтди. Йиғилганлар гулдурас карсақлар билан уларни — умрининг 40 йилини бирга яшаб келаётган бахтли қарияларни кутладилар.

Саттор Қўйлиев Чирокчи районининг Қўқдала қисмига қарайдиган ўндан зийд кишлокларда жуда катта обрўга эга, ҳақиқий эл кайвониси ҳисобланади. Эл казоза «катта»ларнинг сўзини эламанда, бу одамнинг гапига қиради. Унинг обрўи шу қадарки, бирон гап айтса энг қайсар, ўжар одам ҳам рози бўлади.

Унинг ажойиб фазилатларидан бири дилкаш суҳбатдошлигидир. Саттор Қўйлиев билан 20 ёшли йиғит ҳам, саксонга кирган қария ҳам мириқиб суҳбатлаша олади. У кексаю ёшга бирдай. Хамиша давраларнинг гули. У бор давра қизийди, суҳбати маънили, кишиларга завқ бағишлайди.

Юбилей кечасида ўтириб, шулар хақида ўйладим. Бу одам бунча обрў — иззат-хурматга қандай эришди экан, дея мулоҳаза қилдим. Хурмат қилсанг — хурмат кўрасан, деган гапнинг ростлигига шу одамнинг ҳаёти мисолида ишондим. Ахир хамманинг тўйига ҳам минг нафар одам келмайди-да. Чунки кишлокда барча тўю маърака, таъзияларда Саттор бува хамиша бош-қош. Бу ҳам ёшларга ибрат бўларлик фазилатдир. Боболаримиз кишини қувончи ё кайғули кунда сўрагин, деганларида минг карра ҳақлар. Биз ёшлар

баъзида иш, хизматчилик баҳона халқимизнинг мана шундай эзгу удумларини унутамиз.

Саттор бунинг яна бир яхши фазилати дастурхони очкилигидир. Бунинг унинг хамкишлоклари, хамкасблари эътироф этишади. Меҳмондўстликни фазилат деяпман. Ха, бу фазилатдир, ўзбекларга хос миллий фазилатдир. Зеро, биз баъзида ота-боболаримиз авайлаб асраган мана шундай улуг миллий удумларимизга амал қилмаймиз. Зотан, меҳмондўстлик дўстлар сонини кўпайтиради, кишилар ўртасидаги меҳр-окибат ришталарини мустаҳкамлайди.

Мана унинг қисқача таржимани холи. Меҳнатлари муносиб баҳоланган. 1958 йилда пахтадан юкори ҳосил олганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. 1963 йилда эса «Газ—21» Волга автомашинаси билан, 1973 йилда у бошқарувчилик қилаётган бўлим районда рекорд ҳосил олгани учун «Москвич—412» машинаси билан мукофотланди. У халол, фидокорона меҳнатлари эвазига Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали, Бутуниттифок Халқ Хўжалиги ютуқлари Кўргаз-

эшитганман, отангизга раҳмат!» деганди. Шамол унинг овозини узоклардан учуриб келарди.

Инсон ҳаётида яхши кунлар, муваффақиятли ўтган йиллар билан бирга иши юришмаган вақтлар ҳам бўлади. Саттор Қўйлиевнинг ўзидан юкори лавозимдаги раҳбарлар, район, «катта»лари билан келишмай қолган пайтлари ҳам бўлган. Бундай кезларда у доимо ўжарлик билан ўзининг ҳақлигини исботлаган, охир-оқибатда енгил чиккан.

— Саттор бува, сиз умрингизни ерга бағишлаган одамсиз, қанча йиллар бригадага бошчилик қилгансиз, агроном бўлиб ишлагансиз. Айтинчи, кўшиб ёзмасдан юкори ҳосил олишнинг сирини нимада? — дея сўрайман у кишининг йиллар ажин туширган юзига тикилиб.

— Юкори ҳосил олишнинг ҳеч қандай сирини йўқ. Фақат ерга тўғри муносабатда бўлиш, меҳнатдан қочмаслик керак. Бир сўз билан айтганда, чин дилдан қилинган ҳақиқий меҳнат юкори ҳосил гаровидир, — дейди дехқон. — Кўшиб ёзишларга келсак, бунинг жиддий сабаблари бор. План катта эди, уни бажариш эса қонунга айланганди. Ҳеч ким эгаллаб турган лавозимдан ажралишни истамас, «юкори» эса фуқароларнинг гапини тингламасди. Лекин ўша йилларда ҳам ақлли, билимли кадрлар бор эди ва уларнинг тажрибасидан бугун фойдаланилса, ютказилмайди. Бугунги раҳбарларга унинг айтдиган гапи шу: халқни ўйлаган, бизни боқаётган жафокаш, меҳнаткаш халқимиз ташвиши билан яшаган раҳбарлар ҳеч қачон кам бўлмаган. Эл тўқ бўлса, сиз ҳам тўқсиз. Эл бой бўлса, сиз ҳам бойсиз. Халқ ночор яшаса, қашшоқ бўлсаю сиз бой фаровон яшасангиз — бу фожеа, бунақа бойлик ҳеч қимга насиб қилмаган.

Ха, Саттор бува Қўйлиевнинг ўзи ҳаётда бу гапларга амал қилиб яшади. Шу боис у ҳар қандай мансаб, бойлик билан қўлга киритиб бўлмайдиган нарсага эришди — халқнинг қалбидан жой олди. Одамлар, ёшу қарининг унга хурмати чексиз. Саттор Қўйлиев бу обрў, иззат — хурматни йиллар давомида мисқолаб йиққан.

Биз ёшларга уста дехқон, дилкаш ва олижаноб бу инсоннинг бахтли тақдири насиб этсин, дейман.

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ,  
Қашқадарё вилояти.

## ЭЛ КАЙВОНИСИ

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

Хонанда меҳр-муҳаббат, дўстлик, бахт, фарзандлар хақида, умрининг ўткинчилиги тўғрисида жўшиб куйлайди. Меҳмонлар, дўстлар томонидан энг эзгу тилаклар айтилди: «Бугунгидек шодийна кунлар хаммага насиб этсин», «Узок яшанг, юз ёшга қиринг Саттор бува!» «Фазрандларингиз қамолини кўринг!» Дастурхон эса Саттор бунинг қалбидек, феълидек очик, кенг ва тўкин эди. Хамманинг кўнгли чоғ, хурсанд. Мен Саттор бувага қарайман. У киши қувончдан, севинчдан, кўшиқлар ва тилақлар сеҳридан сархуш эди.

Уруш энди тугаган, мамлакат учун оғир йиллар эди. Кейин тўрт йил Совет Армияси сафида хизмат қилди. Армиядан қайтиб, Сталин номили колхозда пахтачилик бригадари бўлиб ишлади. Ўн йил пахтачилик бригадасига бошчилик қилди. Ҳар гектар ердан 47 центнерга етказиб ҳосил олган пайтлари бўлди. 1965 йилдан бўлим бошқарувчиси, 1973 йилдан эса янги ташкил этилган Ворошилов номили совхозда бош агроном бўлиб ишлади. Кейин совхоз директори, Файзулла Хўжаев номили совхозда бош агроном, Эскиангор кишлок Совети ижрония кўмитаси раиси ўринбосари, совхоз касабаси уюшма кўмитаси раиси бўлди. Ўтган йили пенсияга чикди.

масининг бронза медалини олишга сазовор бўлган. Бир неча марта район Советининг депутатлигига сайланди.

Йўқ. Саттор ҳозир босиб ўтган ҳаёт йўли, олган унвону мукофотлари хақида ўйламасди. У тўкин дастурхон атрофида ўтирган хамкишлокларига қараб ҳаёл сурарди. Бу одамларнинг хаммаси унга таниш, нафақат таниш, балки кадрдон бўлиб кетган. У нимагаки эришган бўлса мана шу одамлар, эл туфайли эришди. У ҳам меҳрибон, ҳам қаттиққўл раҳбар эди. У мана шу одамларнинг кўпни иш юзасидан ранжитишига, дангасалик қилганига қаттиқ гапиришга тўғри келган. Лекин барибир одамлар уни яхши кўришади. Чунки у адолатли, инсофли эди. У хув чеккада, чоллар қаторида ўтирган қарияни таниди. Кўшни кишлоклик. Бир кунни ҳаво совуқ, аччиқ изғирин турган палла эди. Машинада райондан келаётса, йўл четиди бир чол ва бола кўтарган жувон кўринди. Шофёрдан машинани тўхта-тишни сўради.

Билсаки, аёлнинг кўлидаги бола касал экан. Улар шу кишлокдаги табибга болани кўрсатиш учун олиб келишибди. Йўлга чикканларига ҳам икки соатча бўлибди, совуқ ва изғиринда қалтирашарди. Ўзи машинадан тушиб, чол ва келинчақни кабинага киритди. Шофёрга буларни кўшни кишлокқа ташлаб келишни тайинлаб, пиёда уйга қайтди. Чол машина кабинасидан бошини чиқариб, «Саттор Қўйлиев, мен сиз хақингизда кўп

ХАВО ИСИБ КЕТДИ. Қоровул тоға идора дарвозасини кулфлади. Мўъжазгина қоровулхона дарчасини очиб, курсига ўтирди. Оғзи курукшаб, кўк чой ичгиси келди. Шақирлаб қайнаб турган электр чойнақнинг симини тоқдан суғурди. Қани энди, бир дамламгина кўк чой бўлса. Хуморин ёзиларди. Кеча талонга «95»дан олганди, уйда қолибди.

Тоға чойнакка қаради, кейин қарини хираланиб кетган пиёлани олиб, қайноқ сув қуйди. Ичди. Татимади. Ҳаёлан сўкинди. «Чойни бутун олаверай деса унамади-я, хотин. Тоға чойни бутун олганида ёдидан кўтарилмасди. Шу пайт аёлнинг бўғик овози эшитилиб кетгандай бўлди назарида. «Биласизми, чой хам талонга берилди. Қоровулхонангизга хар кетишда бир бойламдан чой кутариб кетсангиз хони-моним кўйиб кетади-ку!»

Тоғанинг тоғони баттар қакради. Доғ сув — доғ сув экан-да. Кўчага тикилиб ўтираверди. Одамлар худди чуқолидай ўтиб турибди. Аммо

бирорта таниш йўқ. Беш-олти йиғит ва қиз келиб қолди. — Эшиқни очинг, — буйруқнамо дейишди улар. — Очмайман! — Очинг деяпман, — ёшлардан баланд бўйли, така мўйловлиги буюрди. — Очмайман! Буйруқ шундай. Эшиқ бегоналарга очилмайди.

каттиқ ура бошлади. Кўзлари қизариб кетди. Енини пайпаслади. Қўлга илинадиган бирон нима топилмади. Бўлмаса нак ўзи биларди. Шу пайт бир нозанин аёл келиб қолди. — Вой... Ичкарига кирмай нима қилиб турибсизлар, иссиқда, — деди у. — Анув... Ярамас... Кўй-

қоғозга ўраб қўйган, икки дамлам кўк чойни хаёлига келди. Аёлнинг меҳрибон кўзлари унга қадалди. — Кун бирам исиб кетди-ей, сал чарчабсизми, тоға? — деди.

— Шу денг, икки дамлам чойни ўраб қўювдим, уйда қолаверибди. Шунга...

— Эссиз-а, дўқондан хам чой ололмаймиз энди. Талонга беради. Бўлмаса хозирок обкелиб берадик. Уйингизни айтинг, ўзим бориб, чойингизни обкелиб бераман, — деди аёл.

Қоровул тоға жилмайди. — Яхши аёл экансиз. Сиз ким бўласиз?

— Менми, мен манави бебошларга раҳбарман. Бугун шу ерда машқ ўтказмоқчи эдик-да...

Қоровул тоға ўридан туриб, эшиқларни ланг очиб юборди.

— Майли, қираверинглар. Мен уйга бориб...

Эҳ, талон... талон... Кўк чой!

Раҳбар ФАЙЗИБОЕВА,  
Андижон шахри.

## КЎК ЧОЙ

— Хе... Очинге-е... Яхшиям шу қоровуллик амали тегиб қолибди-да сизга-е...

Қоровул тоғанинг тоғоига бир нарса тикилди. Юраги гурс-гурс ўйнай бошлади. Йиғитлардан бири пичинг қилди:

— Хў-ўв... Эҳтиёт бўлинг. Яна амал курсингизни биров тортиб олмасин...

Қоровул тоғанинг чакка томирлари бўртиб, қаттиқ-

маяпти... — А? Қоровул тоғани? Тўғри қилади. Демак, бегоналарни киритиш мумкин эмас-да. Қани энди, хамма одамлар хам ўз вазифасини шундай бажаришса:

— Хорманг, тоғажон. Яхшимисиз! Сиз булардан хафа бўлманг. Э, бу ёшлар-ей.


Қоровул тоғанинг чехраси сал ёришгандай бўлди. Бироз шаштидан тушди. Уйда



Болаларни тез-тез истироҳат боғларига олиб бориш, уларнинг фикр доирасини кенгайтириб, табиатга, атроф-муҳитга муҳаббат руҳида тарбиялаш биз катталарнинг муҳим бурчимиз. Яйраб, қамолга етинг, болажонлар.

Суратқаш Х. СОЛИХОВ.

# Биздан сўрабсиз



*Июль — август ойлари учун ўқитувчилардан жуда катта миқдорда кирим-чиқим солиғи ушланмоқда. Шу тўғрими? Яна бир саволим: ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларга жамоа жамғармаси ҳисобидан товон пулидан ташқари кундалик овқатланиш пули ҳам берилаяпти. Бундай пул ўқитувчиларга ҳам тўланадими?*  
**Ш. Сайфуддинов, Наманган вилояти.**

Йиллик отпускаи учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашда компенсация ҳам албатта ҳисобга олинади, яъни, ойлик ўртача иш ҳақига компенсация миқдори кўшиб ҳисобланади.

Даромад солиғи фақат 1991 йилнинг март ойида апрель ойи учун тўланган компенсациядангина олинмаган. Май ойидан бошлаб компенсациялар маошларга қўшиб юборилганлиги туфайли ундан ҳам даромад солиғи ушлаб қолинмоқда. Зеро, бундай солиқ иш ҳақининг ҳар қандай турига солиниши керак.

Хўжалик ҳисобида ишловчи баъзи корхоналарда олинаётган фойданинг ҳисобидан ойлик компенсациялар миқдори ошириб тўланмоқда, Шунингдек, уларда овқатланиш учун товон пули тўлаш кўзда тутилган. Халқ таълими муассасалари эса пул билан давлат бюджети ҳисобидан таъминланади. Шунинг учун бундай муассасаларда ана шундай товон пули тўлашнинг иложи йўқ.

*Елғиз онаман, битта етти ва иккита 2,5 ёшли фарзандларим бор. Компенсация билан қўшганда 150 сўм иш ҳақи оламан. Апрель ойидан бошлаб болаларимга нафақа олаётган эдим. Бу ойда берилган нафақаларни қайтариб олишди. Сабаби, жон бошига даромадимиз 100 сўмдан бўлар экан. Давлат кам таъминланган оилаларга қандай ёрдам бериши мумкин?*  
**О. Мадраимова, Тошкент вилояти.**

**Саволга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маслаҳатчиси Олег Завалунов жавоб беради:**

Боқувчингизни йўқотганмисиз, ёки елғиз онамисиз, саволингизда бу ҳақда аниқ қилиб ёзилмабди. Чунки болаларга нафақа тўлашда шу нарса биринчи галда эътиборга олинади.

Агар сиз елғиз она бўлсангиз, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССР аҳолисини социал жиҳатдан химоя қилиш ҳақидаги қарорга кўра, олти ёшгача бўлган болаларнинг учун 80 сўм, 16 ёшга тўлмаган фарзандларингиз учун эса (стипендия олмай ўқиётганларга 18 ёшгача) 90 сўмдан нафақа бериб борилади.

Болаларингиз боқувчисиз қолганлиги учун бериладиган пенсияни олган тақдирда эса уларга нафақа берилмайди. Бойси, социал таъминот муассасалари бу пенсияни ҳар бир бола учун 65 сўмга оширишган.

Агар сиз турмуш ўртоғингиз билан яшаётган бўлсангиз, юқорида номи келтирилган қарорга биноан 1,5 дан 6 ёшгача бўлган фарзандларингизга 80 сўмдан, 16 ёшгача (агар стипендия олмаётган бўлса 18 ёшгача) бўлган фарзандларингизга пенсия ёки нафақа олишмаса, 40 сўмдан нафақа берилиши керак.

Албатта, бу нафақаларни оиланинг жон бошига даромади 280 сўмдан ошмагандагина олишингиз мумкин.

*Қизим 1,5 ёшдан ошганидан сўнг ишхонадан менга компенсация тўламай қўйишди. Лекин мен яна декрет отпусчасига чиқдим. Энди менга компенсация қаердан тўланади?*  
**М. Уринбоева, Тошкент вилояти.**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маслаҳатчиси Бахтиёр Ниёзов саволга қуйидагича жавоб беради:**

Камида бир йил иш стажига эга бўлган аёлларга (18 ёшга тўлмаган аёллар учун бунда қатъий назар) боласига қараб тургани учун 110 сўмдан нафақа берилади. Агарда она икки ёки ундан ортиқ фарзанд кўрса, нафақа уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўланади. Шу билан бирга 1,5 ёшгача бўлган боласини боқиб учун қисман ҳақ тўланадиган таътилдаги оналарнинг ўзига ойига камида 60 сўмдан компенсация берилади. Агарда, оилада жон бошига даромад 280 сўмдан кам бўлса, 1,5 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларга 80 сўмдан нафақа берилади.

*Мен кўп болали онаман, ёшим 50 да. Меҳнат стажим 29 йил, шундан 17 йили узлуксиз. Иш ҳақим 135 сўм. Пенсиям неча сўм бўлади?*  
**Х. Раҳмонова, Қувасой шаҳри.**

Пенсиянғиз узлуксиз иш стажига берилган қўшимча билан 74 сўм 25 тийин бўлади. Янги пенсия қонунига асосан бу миқдор 1992 йил 1 январдан яна қайта кўриб чиқилади ва оширилади.

*Маошга қўшиб берилётган компенсациядан солиқлар ушлаб қолинаётганлиги тўғрими?*  
**З. Ризаев, Шаҳрисабз.**

Ҳа, тўғри. Биринчи тўланган компенсациядан солиқлар ушланмаган, кейинчалик улар ойликка қўшиб тўланадиган бўлгандан сўнг, солиқлар олинадиган бўлди.

*1,5 ёшли фарзандимга қараб турганлигим учун жамоа хўжалиги 110 сўмдан нафақа тўлаб турибди. Ўзимга эса компенсация тўланмаяпти, шу тўғрими?*  
**Х. Мансурова, Наманган райони.**

СССР меҳнат ва социал таъминот масалалари ҳамда Молия вазирлигининг 1991 йил 29 апрелдаги 557—А—Н сонли хатига асосан болангиз 1,5 ёшга тўлгунча 60 сўмдан компенсация берилиши керак?

*25 йилдан бери ўқитувчи бўлиб ишлаймиз. Кўп йиллик хизмати учун тайинланадиган пенсияга чиқсак бўладими? Янги пенсия қонуни қабул қилиниши муносабати билан бу турдаги пенсияни тайинлаш тартиби ўзгармадими?*  
**Т. Бекназаров, А. Абдуллаев, Бекобод райони.**

СССР Вазирлар Кенгашининг 1959 йил 17 декабрдаги қарорига биноан кўп йиллик хизматлари учун маориф ходимларига ҳам пенсия тайинлаш назарда тутилган. Бу пенсия 25 йиллик иш стажига бўлган ўқитувчиларга тайинланади. Унинг миқдори 13 йилдан 18 йилгача бўлган иш стажисидан 40 фоиз миқдорда белгиланади. Масалан, иш ставкаси 220 сўм бўлса, пенсиянинг миқдори 88 сўм бўлади. «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти» ҳақидаги қонун қабул қилиниши муносабати билан кўп йиллик хизмати учун тайинланадиган пенсиялар ўзгармасдан сақланиб қолди.

*Ун йил қишлоқ ўқитувчиси бўлиб ишлаганман. Ҳозир шаҳарда яшайман. Тўғриси, ўқитувчиларга бериладиган имтиёзлар ҳақидаги фармонни унчалик тушунмадим. Қишлоқ ўқитувчиси бўлганим билан шаҳарда яшаётганим учун коммунал харажатларнинг ярмини тўлаверманми?*  
**Н. Қобилов, Қўқон шаҳри.**

**Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлигининг бош иқтисодчиси Татьяна Ланина бу саволга қуйидаги жавобни берди:**

Ўзбекистон ССР Президенти 1990 йил 13 ноябрда қабул қилган «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчилари, болалар уйларининг тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш ҳақида»ги Фармонга кўра қишлоқ ва шаҳар типдаги кўрғонларда яшовчи ўқитувчилар ва болалар уйларининг тарбиячилари уй ҳақи ва коммунал хизматлар ҳақидан бутунлай озод қилинади. Шаҳар жойларда яшаётган ўқитувчилар эса бу тўловларнинг фақат ярмини тўлашади. Демак, бунда ўқитувчининг қаерда яшаётганлиги эътиборга олинади — шаҳардами ёки қишлоқда. Бундан ташқари, маълумки, ўқитувчилар, болалар уйларининг тарбиячилари давлат ёки ташкилот уйларини ўзларининг шахсий мулки қилиб олишлари мумкин. Бироқ, ўқитувчи шаҳар жойда яшаётган бўлса, уйни ўзининг мулки қилиб олгани билан коммунал хизмат ҳақининг ярмини тўлайди.

*Туғма ногиронларга қандай имтиёзлар берилади?*  
**Х. Қосимов, Ленинск шаҳри.**

**Ўзбекистон ССР Социал таъминот вазирлигининг бўлим мудири Лидия Гурина муҳбиримизга шундай жавоб берди:**

Туғма ногиронлар агар махсус автотранспорт (мотоколяска, кўл билан бошқариладиган «Запорожец» автомобили) ни бошқара олишса, уларга (ТМЭК хулосасига кўра) имтиёзли шартлар билан автомашина берилади.

Туғма ногиронлар 16 ёшга тўлмаган бўлса, ТМЭК хулосасига кўра, уларга қараб турадиган қариндошлари хайдаш ҳуқуқи билан кўлда бошқариладиган «Запорожец» автомашинасини нақд пулга сотиб олишлари мумкин. Шунингдек, I гуруҳ ногиронини сафар чоғида кузатиб юривчи шахс учун куз-киш даврларида темир йўл, ҳаво, сув йўллари ва шаҳарлараро автотранспортда юриш киймати 50 фоиз камайтирилади.

16 ёшга тўлмаган ногиронларга дорилар шифокорларнинг рецептига асосан бепул берилади, ундан катта ёшдаги, нафақа олувчи I ва II гуруҳ болаликдан ногиронларга эса дорилар 50 фоиз арзон нархда сотилади.

Икки аъзоси — икки кўли ёки оёғи ёки бир кўли ва бир оёғи фалаж, кўзи ожиз бўлган туғма ногиронларга, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларига шаҳар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

I ва II гуруҳ ногиронлари муайян ўқув юртида ўқиш мумкин эмас, деб кўрсатилмаган бўлса, ТМЭК хулосасига кўра олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига конкурсиз қабул қилинади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртиларини тамомлаган I ва II гуруҳ ногиронлари вазирликлар, идоралар томонидан олган касбларига мувофиқ ишга жойлаштириш учун яшаб турган жойларига юборилади. Уларга барча турдаги протез-ортопедик мосламалар, вело-кресло-коляскалар, «Товоксой» ва «Олтиарик» шифо масканларига даволаниш учун йўлланмалар бепул берилади.

Туғма ногиронлар, шунингдек I ва II гуруҳ кўзи ожиз ногиронлар даромад солиғидан озод қилинади.

*Агар ота вафот этиб, она ишлаётган бўлса, унинг қарамоғидаги болаларга нафақа қай тарзда берилади?*  
**Х. Рўзиқулов, Китоб райони.**

**Компенсациялар юзасидан муҳарририятимизга келган саволларга Ўзбекистон ССР Социал таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Хулқар Файзуллаева жавоб беради:**

Марҳум отанинг фарзандларига боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия тайинланган бўлиши керак ва бу пенсия билан бирга ҳар бир болага 15 сўмдан компенсация ҳам берилади. Нафақа социал таъминот муассасалари томонидан тўланади. Болаларга кийим-кечак учун бериладиган тўловлар эса онанинг иш жойидан берилади. Агар аёлнинг 6 ёшга тўлмаган боласи бўлса, у иш жойидан яна 80 сўмлик нафақа ҳам олиши керак.


*Иш стажим йўқ. Қасаллигим сабаб II гуруҳ ногиронлигини беришди. Пенсия олишга ҳақим борми?*  
**Р. Оспанова, Қонимех райони.**

«СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти» тўғрисидаги қонунга мувофиқ сизга социал пенсия тайинланиши мумкин. Бу пенсиянинг миқдори 35 сўм ва унга 65 сўм компенсация ҳам қўшилади.

*Сугурта идорасида штатсиз агент бўлиб ишлайман. Пенсия тайинлашда ўртача иш ҳақимни 180 сўм билан чегаралаб ҳисоблашди ва узлуксиз иш стажим бўлганлиги учун берилдиган қўшимча билан бирга 99 сўм тайинланди. Шу тўғрими?*  
**А. Ҳақимов, Шаҳрисабз райони.**

Тўғри, штатсиз ходимларнинг айрим гуруҳлари учун чекланган иш ҳақи белгилашган ва у 180 сўмдан ошмаслиги лозим. Иш ҳақидаи ташқари мукофотлар ҳам ҳисобга олинади (квартила, иш даврида, олинган йиллик режани ошириб бажарганлиги учун берилган мукофотлар).





БИРОР нарсдан ранжиганимда, кўнглимга губор оралаганида, беихтиёр Юсуф Шомансурни эсламан. Унинг тийрак нигоҳи, ўта тўғри сўзлиги, чўрткесарлиги, ҳақиқатни қарор топтириш учун ўзини ҳам, ўзгани ҳам ҳимоя қилишга ҳозир нозирлиги кўз ўнгимдан ўтаверади. Ана ўшанда қалбимга юпанч қидираман, уни излаб қоламан. Афсуски, тополмайман. Назаримда уни ҳозир учратаману дилдаги гина-қудратларимни тўкиб соламан. У маслаҳатлари, тўғри сўзлиги билан кўнглимни кўтарди, мени юпатиди. Аммо энди ундай бўлмайди... Дарвоқе, Юсуф аканинг ҳаётдан бевақт кўз юмганига ҳам ўн йилдан кўпроқ вақт ўтибди...

Мен ўтқазмаганим  
Яшил дарахтлар  
Хаёл осмонида шовиллар ҳамон.  
Чинор,  
Аргувонлар,  
Ёнғоқ,  
Тераклар,  
Кўксимни оғритар кўзгалса  
шамол.

Юсуф аканинг шеърлари фавқуллода фикр айтиши, ўқувчисига қандайдир янгилик бериши билан ажралиб туради. Унинг китобларини varaқлар эканман, кўнглимдаги тугёнлар авж олгандек бўлади. Ҳаётга муҳаббатим ортади, яшашга, яшаганда ҳам қувониб-қувониб яшашга ундайди. Унинг такрор билмас шеърӣ сатрларининг сеҳри доимо қалбимга илиқлик бахш этиб, ҳаёлимни олис-олисларга етаклаб кетади. Юсуф ака биз — шогирд укалари (Эмин Усмонов, Ёдгор Обид, Рауф Толиб, Темур Убайдулло, Абдулхай Носир, Шоазиз Шорустамов, марҳум Сайфулла Илёсов ва бошқаларга қанчалик меҳрибон, раҳмдил бўлса, ўзига нисбатан шунчалик шафқатсиз ва қаттиққўл эди.

Унинг ажойиб шеърлари, қўшиқлари, пародия-ҳажвийлари, достонлари, саҳна асарлари, таржималари, илмий-адабий мақолалари ва ниҳоят «Қора марварид» романи ана шу шафқатсиз қаттиққўлнинг такрорланмас мўъжизалари, ажойиб меваларидир.

Юсуф ака ҳозир мен ўқиётган ҳамду саноларга, ҳолвайтар янглик мактов ёрликларига ҳеч қачон муҳтож бўлмаган, ҳали-ҳозир ҳам муҳтож эмас. Аммо унинг қисқача ҳаёти, унинг тиним билмас ижоди ҳақида сўз юритилса, аввало, шоирнинг руҳи шод бўлади, қолаверса, яхши ижодкор, яхши одамлар ҳақида, уларнинг ибратли ишлари ҳақида қанча кўп ёза олак, шунчалар фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман.

Юсуф Шомансур устозлари Ғайратий ва Мақсуд Шайхзоданинг муносиб вориси, қобил шогирди бўлгани билан гоётда фахрланар, уларни ардоқлар, хурматларини ўр-

нига кўя билар эди.

Юсуф ака кўлига илк бора қалам олган, қалбида шеърятга, адабиётга ошuftалик умиди ниш урган қаламкашлардан ҳам ёрдамини аямасди. У кўнлаб тенгдош қаламкаш дўстларимнинг қалбига умид учқунини сола билган устоз шоир эди десам, янглишмаган бўламан.

Биз — илк машқлари матбуот юзини кўрган ёш қаламкашлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказиладиган тадбирлардан қолмасликка тиришардик. Ана шундай тадбирларнинг биридан кейин Хайридин акам бизни ўрта бўйли, қорчадан келган, каттақон беўхшов бурни ўзига ярашиб турадиган киши билан таништирди:

— Юсуф Шомансур, жуда чапдаст шоир, ундан ташқари кадрдон дўстим, менга ишонгандек ишонаверинглар!

Юсуф ака ҳаммамиз билан дўсто-



## МЕН ЭЖМАГАН ДАРАХТЛАР

на кўл олишиб кўришди.

— Эминжоннинг ҳикояларини, Ёдгоржоннинг шеърларини ўқиганман, қандайдир самимият, ростгўйлик бор уларда, — деди у Хайридин акамга юзланиб. Хайридин Салоҳ бу мактовни худди ўзи эшитгандек яйраб кетди, майингина жилмайиб кўйди:

— Шомансуров мактадим, бас унинг мактовига муносиб бўлишга интилиш керак!

Шундай қилиб, Юсуф ака билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Гап шундаки, Юсуф Шомансур ўша йиллари «Тошкент» совхозидан ҳовли олган бўлиб, унинг хонадони биз учун жуда қулай жойда эди.

Хайридин Салоҳнинг фожиали ўлими ҳаммамизни доводиратиб қўйди:

Орамиз ҳали ҳам эмас кўн йироқ,  
Беш йилми, ўттиз йил нима деган гап?!

Шеъримиз — шеър экан, ўзимиз — тупроқ,  
Аммо, лаҳза-лаҳза боргум такрорлаб:

Қиёматлик дўстим, азиз Хайридин Наҳотки, наҳотки сендан айрилдим.

Бу айрилиқ Юсуф Шомансурга қаттиқ таъсир қилди. Унинг сочларига оқ оралади, вазмин, хаёлпараст бўлиб қолди.

Юсуф ака устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттиришга жазм этди. У марҳум дўсти Хайридин Салоҳнинг тетапоқ қилаётган шогирдларини ўз паноҳига ола билди. Юсуф ака ҳар биримизга ўзгача меҳр билан қарар, машқларимизни ўқиб чиқар, таҳрирталаб жойларини эринмай тузатар ва уларни ўзи газета-журналларга тавсия қиларди.

Агар бирортамизнинг шеър ёки ҳикоямиз матбуотда чоп этилса, албатта излаб топар ва самимий кутларди. Ҳозир шу сатрларни ёзарканман, аксарият кўпчилигимизда бунақа тантилик камайиб бораётганини алам билан ўйлайман.

Миртемирнинг камтарона салобати ҳаммани сеҳрлаб қўйгандек эди. Муҳокама яхши ўтди. Юсуф ака ана шунақа қалтис дамларда ҳам ташаббусни ўз кўлига ола биладиган чўрткесар, ҳақиқий дўст эди.

Ўша тўпламим Юсуф аканинг мухтасаргина сўзбоши билан 1976 йилда «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилди. Матбуотда яхшигина баҳо олди. Бунда ҳам Юсуф аканинг ўзига хос саховатли қўллари борлигини мамнуният билан эсламан.

Илк шеърлар тўпламим чиққан, матбуотда мақталган. Худди осмону фалакда юргандекман. «Гулхан» журналида ишлайман, менга етар киши йўқ. Шундай кунларнинг бирида Юсуф ака йўқлаб келдилар. У киши кутловни қойилмақом қилиб айта оларди:

— Шавкатжон, табриклайман, қани уйга кетдик. Наримондан руҳсат олдим. Бир отамлашайлик, — дедилар.

Мен гумроҳ, шунча яхшиликлар қилган устозимга тузукроқ миннатдорчилик билдирилмаганимга ҳали-ҳали ачинаман, ўзимни койийман...

Юсуф ака оилада ҳам, шогирдлари даврасида ҳам ибрат бўларли, хулқ-атвори ўзига ярашиб турадиган бир сўзли, меҳрибон, ҳақиқатпарвар инсон эди.

Одатда, биз шогирдлар унинг хонадонига дам олиш кунлари ташриф буюрардик. Юсуф ака ўз одатига кўра ҳовли этагидаги ариқ устига ташланган қўлбола чорпоюда чой хўплаб, нималариндир ёзиб ўтирган бўлар, сал нарида эса, кичкинтой ўғилчалари Мақсуджон билан Маъсуджонлар чуғурлашиб ўтиришар, Матлуба келинойим ошхонада куймаланар, қизлари Адибахон билан Зебохон у кишига кўмакдош, катта ўғли Маҳмуджон ҳовлидаги ишларга муассасди. Ҳовли саранжом-сариншта, сув сеппиб, супирилган. Бу ерда ҳамманинг ўзига яраша вазифаси, ўзига хос ўрни борлиги сезилиб турарди.

Ҳали экилмаган дарахтлар хуллас, Шовиллаб турибди хаёл уфқида. Ҳали кўкармаган ниҳол ишқида Қайғуриб яшамок одамзотга хос.

Бирор нарсдан ранжиганимда, кўнглимга губор оралаганида, беихтиёр Юсуф Шомансурни эсламан. Унинг тийрак нигоҳи, ўша тўғри сўз чўрткесарлиги, ҳақиқатни қарор топтириш учун ўзини ҳам ўзгани ҳам ҳимоя қилишга ҳозир нозирлиги кўз ўнгимдан бир-бир ўтаверади... Унинг шеърлари, достонлари, илмий-адабий мақолалари, қолаверса, шогирдлари, унинг овози бўлиб, сурати сийрати бўлиб эл-юртга хизмат қилаверади. Ҳаммани унинг номи қалбимизда шундайлигича қолаверади.

Шавкат ТУРОБ.

## ОРОМГОҲЛАРДА ТАЛАБАЛАР АМАЛИЁТИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ олий билимгоҳининг 1—3 курс талабалари Қашқадарё вилоятидаги кашшофларнинг дам олиш ҳамда санатория типигаги оромгоҳларида амалий машғулот ўтказдилар. Жамоатчи муҳбиримиз Ҳамид Олимжон номидаги Қарши давлат олий билимгоҳи амалий машғулотлар ўтказиш бўлими бошлиғи И. Шукуров билан Яккабоғ районидаги оромгоҳлардан бирида учрашиб, ўзини кизиқтирган саволлар билан унга мурожаат қилди.

— Икром Шукурович, талабаларнинг кашшофлар оромгоҳларида амалий машғулот ўтказишлари қандай режалаштирилган ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Олийгоҳимиз ўқитувчилари талабаларга факат

қўлларидagi дастур бўйича билим бериш билан чегараланмасдан, уларни тадқиқот билан шуғулланишга, мустақил ишлаб, билим кўникмасини эгаллашларида яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шунга кўра олийгоҳнинг педагогика кенгаши қарорига

биноан 25 ўқитувчи раҳбарлигида вилоятимизнинг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ районларидаги 25 та кашшофлар оромгоҳларида 1101 талаба амалий машғулот ўтказди. Талабалар 31 май кuni қўлларига олийгоҳ амалиёт бўлимидан берилган йўлланма билан белгиланган оромгоҳларга келиб иш бошладилар. Амалий машғулотларни уюштиришда олийгоҳ ўқитувчи ва олимларидан А. Уроков, П. Равшанов, М. Очилов, А. Чориев, Б. Хайридинов, Н. Шарипов ўртоқлар катта ёрдам бершди.

— Кашшофлар оромгоҳларида талабалар учун қандай шароит яратилди?

— Маълумки, ўтган йили

вилоят касабга уюшмаси ҳамда халқ таълими шўъбаларининг шу соҳадаги қарори қабул қилинган бўлиб, унда турли типдаги лагерлардаги аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Бундан хулоса чиқариб олган айрим касабга уюшмалари ташкилотлари кашшоф ва ўқувчиларнинг дам олишнинг яхши уюштириш учун зарур чораларни кўрдилар. Шаҳрисабз райони халқ таълимининг Мирокки гўшасидаги «Чашма» санатория типигаги кашшофлар оромгоҳи, Яккабоғ районидаги «Автомобилчи», Ленин номи оромгоҳларида болаларнинг дам олиш учун ҳамда талабаларимизнинг яхши фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароит яратилди.

— Талабалар асосан қандай иш билан шуғулландилар?

— Талабаларимиз кашшоф вожатийси, отряд тарбиячилари вазифасида ишладилар. Улар ёшлар билан тарбиявий темаларда суҳбатлар ўтказдилар. Уларни тўғрак машғулотларида қатнаштирдилар, спортнинг кўпгина турлари бўйича биридан кизиқарли мусобақалар ўтказиб, завқли сабахат ва экскурсияларга олиб чиқардилар, мусика шайдоларига мусикадан, бошқаларга эса ёши ва кизиқишига қараб бичиш-тиқиш сирларидан ҳам машғулотлар ўтказдилар.

Сухбатдош  
Баҳром УМИРОВ.



Осмони мунаввар куёшли, ойли,  
Кизлар чўлпондан ҳам гулдан

чиройли.  
Багри кенглигидан дарёли, сойли,  
Сирдарё, ҳеч ҳазон бўлмас боғимсан.  
Айни, кирчиллама ёшлик чоғимсан.

Болалигим сенда кечди бол мисол,  
Кизлар юзидаги ажаб хол мисол;  
Эгилиб ўсмадим мажнун тол мисол.  
Сирдарё муборак масканим менинг,  
Сахро ўрнидаги чаманим менинг.

ТАНИҚЛИ шоир Тўра Сулаймоннинг юракдан айтган бу сўзлари ёш ва истеъдодли хонанда, Сирдарё вилояти Ленин комсомоли совриндори Асатилло Холиков ижросида инсон калбини сеҳрлаб қўяди ва аллақандай хаяжонга солгандай туюлади... Бу кўшиқни тинглар экансиз, албатта, кўз олдингизда чўлни гулистонга айлантирган азамат курувчилар, кўли гул боғбонлар намоён бўлади, ва сизда шу азим ўлкага бир бориш ижтиёки туғилади.

Еш хонанда 1958 йили Андижон вилояти, Қўрғонтепа районида туғилиб вояга етди. У 8-синфни тамомлаб Тўхтасин Жалилов номидаги Андижон мусиқа билим юртига ўқишга кирди. Билим юртини тугатиб, бир неча йил «Қирқ киз» халқ ансамблида хонанда бўлиб ишлади. Ана шу йиллар ёш хонанда учун унутилмас ва энг машаққатли йиллар бўлди. У кўлига нима учун рубоб олди, нима ҳақида куйламоқчи ва ким унинг кўшиқларига мухтож, бу саволлар ёш хонандани чуқур ўйларга тортар эди. Бу саволларга Асатилло осонгина жавоб бериши мумкин. Лекин унинг мухлислари, тингловчи — томошабинлари бу жавобдан қониқармадилар. Шунинг учун ёш хонанда катта талабчанлик билан кўлига рубоб оладиган бўлиб қолди, концертларда чиқишларини қамайтириб, кўпроқ шеърят оламига киради. Асатилло ҳар бир шеърнинг мағзини чақиб, ундаги ягона бир фикрни излар экан, шоирнинг асосий максоди уни безовта қилар ва хавотирга солар эди. Ахир энди шоирнинг асари унинг кўлида, ихтиёрида

Еш хонанда тез орада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Абдухамид Ғофуров, Ғофур Хамидуллаевлар ёрдамида театрнинг янги спектакларида Шахзода («Ричард III»), Омон («Шума бола»), Хидоят («Майсаранинг иши»), Мунажжим («Алишер Навоий»), Мулла Салоҳ («Хийлаи шаръий») образларини яратишга муяссар бўлди. Театр ва санъат олийгоҳи Асатилло Холиковга ижод эшигини кенг очиб берди, ёш хонанда энди ўзбек халқининг ҳаётини, унинг урф одатларини, бой маданий тарихини чуқур ўрганишдан ташқари, ўз ижоди, санъати орқали бадий ифода-лаши мумкин. Изланиш ва қизғин меҳнат унинг ҳаёти мазмунига айланди. Санъат сирларини А. Холиковга Санъат олийгоҳининг профессори, Ўзбекистон халқ артисти Асад Азимов ўргата бошлади. Устоз ёш хонандани кўшиқчилик санъатининг сеҳрли олами томон бошлар экан уни асло шоширмайди. Айниқса овозини эҳтиётлаш, қуч ва имкониятини беҳудага сарфламасликни, айни зарурат туғилганда, инсон калби, унинг ҳис-туйғулари кўшиқка катта эҳтиёж сезгандигина куйлашни ўргатди.

Сухбатларимиздан бирида А. Холиков: «Мен давр санъаткори ва ижодкори бўлишни хоҳлайман, лекин факат хоҳиш билан иш битмайди. Шунинг учун кўпроқ халқ орасида, халқ билан бирга нафас олгим келади. Шаҳарга қараганда бизда ва барча вилоятларда ҳаёт оғир. Халқнинг маданий ҳаёти эса охири пайтда пастлашиб кетди, одамлар орасида оқибат, меҳр-шафқат, бирдамлик йўқолиб кетаяпти, мени ташвишга солаётган муаммолар шулардангина иборат эмас... Мен бугун оқни қордан ажрата олар эканман, санъатим ва кўшиқларим орқали ўз мухлисларимнинг фикрларини, ҳис-туйғуларини уйғотиб, қалбларини гўзалликка, озодалликка, меҳрибонлиқка қаратгим ва чақиргим келади», деган.

Мана, хонанда сўзларига бир кичик исбот, Асатилло номига келган мактуб. Мактубни Самарқанд вилоятдан қаҳрамон она Робия ая Сафоева йўллаганлар: «Асатиллохон, сизнинг «Ўғлим сендан сурат қолди» ашулагиз пластинкага ёзилган бўлса, менга шу пластинкани совға қилиб юборсангиз. Мен сизга дуолар ўқий, умрингиз узок бўлсин ўғлим, кам бўлманг. Довюррак ўғилларидан айрилган оналар номидан минг раҳмат...» Ҳа, бу сатрларни тўлқинлармасдан, хаяжонсиз ўқиб бўлмайди.

Асатилло Холиков ижодини таҳлил этишга уринар эканман ва у билан тез-тез сухбатларда бўлар эканман, бу ёш хонандада ўз халқига меҳр-муҳаббати ошиб-тошиб ётганини ҳис қиламан. Балки шунинг учун Олим Хўжаев номидаги театрдан бўшаб, ўзига ўхшаган тиниб-тинчимас, ёш санъаткорларни йиғиб, ўтган йили Сирдарё вилояти маданият бошқармаси қошида мустақил «Манзур» ашула ва рақс дастасини туздандир. Бу даста қисқа муддат ичида Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бўлиб, кўшиқ шинавандаларига янги концерт программаларини тақдим этиб, катта муваффақиятларга эришди. Яқинда В. И. Ленин номидаги СССР Халқлар дўстлиги Саройида бўлиб ўтган концертини кўриб, унинг бадий раҳбари Асатилло Холиков ижодига ва келажакига ишончим янада ортди. Ўзбекистон ССР Халқ артисти Шерали Жўраев эса ўз шогирди ҳақида шундай дейди:

— Асатилло Холиков ҳақиқатдан ҳам менинг шогирдим. Аввало мен унинг инсоний фазилатларини ҳурмат қиламан, у камтарин, қалби тоза, инсонпарвар йигит. Қани энди Асатиллога ўхшаган азамат ўзбек йигитларимиз кўпаяверишса. Бундан ҳаётимиз ва турмушимиз енгиллашарди, санъатимиз ва маданиятимиз эса гуллаб-яшнар эди.

Аҳмаджон РАҲИМОВ.

## Бахшилар мусобақаси

Деновда бахшиларнинг республика танлови бўлиб ўтди. Унда олти вилоят ва Қорақалпоғистондан 80 дан зиёд вакил қатнашди. Танловда иштирок этган ҳар бир киши дўмбирада халқ куйларидан ижро этиши, ўзи ёган кўшиқни айтиши, халқ дostonларидан олинган парчани ижро этиши керак эди. Деновлик бахши Бобораҳим Маматмуродов ва бойсунлик Шоберди Болтаев биринчи ўринни бўлишиб олишди. Абдуқаҳҳор Раҳимов билан Зиёдулла Исломов иккинчи ўринни эгаллашди. Ҳоразмдаги «Достон» этнография дастасининг бир гуруҳ қатнашчилари, қорақалпоғистонлик бахши Пирниёз Утегенов ва қашқадарёлик Шомурод Тоғаев танлов лауреатлари бўлишди.

Танлов қатнашчилари берган катта концертга Деновдангина эмас, бошқа районлардан ҳам халқ ижодиёти мухлислари келишди.

## ЙЎЛБАРС

(ҚАТРА)

ЦИРК сахнаси. Томошабинлар ўтирган ўриндиклар қоронгулаштирилган. Гарчанд томошабинлар тирбанд бўлсалар-да, мик этган овоз эшитилмайди. Ҳамма нафасини ичига ютиб, бутун вужуди билан сахнага тикилган.

Сахнада саккизта йўлбарс-саккизта курсига ўтқазиб қўйилган. Ҳаммаси жим, гўё ириллашни ҳам унутиб қўйгандек. Бари ўртадаги бир нур нуқтага тикилган.

Бу нур нуқтада хушбичим, бир нозанин киз турар эди. Кўлида камчи. Кучли нур шуъалари кизга тўғрилланган. У ҳар бир ҳаракати билан афсоналардаги париларни эслатарди. Назокати ва латофати ҳар қандай юракни ҳам жижиллатиб юбориши аниқ эди. Саккизта йирткич ҳам махлиё-бўлгандай, ундан кўз узмасди. Улкан хона сукунатини камчининг шарақлашларини йўлбарсларнинг ириллашлари бузар, киз эса бепарво оккуш каби енгил ҳаракат қилишда давом этарди.

Йўлбарслар, дунёда ҳеч нарсадан қайтмас ва қўрқмас йўлбарслар, шу хушбичим кизга индамайгина бўйсунар, алангаланиб турган доира ичидан сакраб ўтишарди. Яна бир бор камчи шарақлаганда, ҳаммаси тўп холда, ёнма-ён, бир-бирига елка тирашиб, мулоийм бўлишиб ётиб олишар, киз эса улар устида ястаниб оларди. Бу ҳам етмагандек арслон ўкириб оғзини ўрадек очганида, киз ҳеч қўрқмай бошини унинг оғзига тикарди.


Зал эса тек қотган. Шунда беихтиёр хайкириб юбордим:

— Хой киз! Тўхта, қайт бу шахдиндан! Ўт билан уйнашма! Ахир булар мушук эмас, йўлбарслар. Ҳозир улар ухлаб, тушларида сен билан уйнашмоқдалар, мулоийм муомалада бўлишмоқда. Хали замон уйғониб қоладилар. Ана ўшанда кўрасан уларни: ўкирадилар, бўкирадилар. Бу тор қафасларининг чилларчин қилиб ташлайдилар. Ўзлари яшаб ўргайган тоғларга, тўқайзорларга равона бўладилар. Агар уйғонмай, доимо сенинг айтганингни қилаверсалар, билиб қўй, булар асло мен билган йўлбарс эмас, унинг сояларидир! Улар йўлбарс бўлиб, туғилганлар, агар улар йўлбарс бўлса, ҳамла қилишлари керак. Йўлбарс бўлгач, ўлжасига ташланишлари шарт! Бўлмаса уларнинг йўлбарслиги қоладими?!

... Мен кўп одамларни уйқудаги йўлбарсларга қийсага келади.

ТЎЛҚИН.

## Инсонни қадрлашни истайман



Суратда Асатилло ХОЛИКОВ.

Хонанда-хофизларимиз Асатилло Холиков ўз тингловчи-томошабинларини сеҳрлаб, бошқа бир дунёга, ижодкор оламига олиб қира олади. Биз эса бундок куйдан маънавий тозаланиб, раҳмдиллашгандай, гўзаллашгандай бўламиз...

Асатиллодан ҳар бир санъаткорнинг бурчи нимада деб, сўраганимда, у «Шаҳсан мен учун инсон умрини қадрлашда» — деб қисқа жавоб берди. Асатилло ижросида «Аёл мадҳияси», «Ўғлим сендан сурат қолди», «Ўтар бу кунлар», «Кўрмадим», «Илтижо» ва бошқа бир қанча кўшиқларни тинглаганимизда биз ёш хонанда сўзларига ишонч ҳосил қиламиз. Еш хонанда «Аёл мадҳияси», «Ўғлим сендан сурат қолди» кўшиқларини куйлаганда у инсон тақдири ҳақида ҳикоя қилади, инсоннинг ички бой дунёсини, фикр — туйғуларини очиб беради. Бу кўшиқларни биз шунчаки дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун эшитмаймиз. Биз хонанда билан бирга чуқур-чуқур ўйларга борамиз, ким биландир бахшлашамиз, курашамиз...

Агарда биз Асатилло Холиковнинг таржиман ҳолига бир назар солсак, у ўз орзу-ниятларига осонгина эришмаётганлигини, машаққатли ва оқибати хушнуд сўқмоқлардан дадил ўтмоқдалигини кўрамиз...

эди-да...

Еш хонанда ўзи басталаган янги-янги кўшиқларни биринчи бор онаси — Бахрихон аяга куйлайдиган бўлди. Она санъатдан узок бўлса ҳам, ўз ўғлига тўғри баҳо ва маслаҳат берар эди. Айниқса онанинг, «Дардинг бўлса куйла, ўғлим» сўзларини Асатилло ҳеч унутмайди. Онанинг оқ фотиҳаси, дуоси орқали янги кўшиқлар яратилди.

Янги кўшиқлар хонанда олдига янги талаблар қўяр эди...

«Мен учун ҳаётимда унутилмас кунлар — бу Шерали Жўраев билан танишиш ва у кишининг ўғитларини олиш бўлди. Шерали — ака мени аввало бор, ҳаётда гўзаллик, эзгулик, поклик каби инсоний фазилатларни қадрлашни ўргатдилар. Шунинг учун мен Шерали акани узтозим дейман», дейди Асатилло Холиков.

Хонанда санъат сирларини чуқур эгаллаш учун 1980 йилда Маинон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат олийгоҳига ўқишга киради. Шу орада, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳкам Маҳамедов Асатиллонинг овоз ва актёрлик маҳоратини тан олиб, уни Олим Хўжаев номидаги Сирдарё мусиқа драма ва комедия театрига ишга таклиф этади.



Дилфуза 1981 йили Тошкент шаҳар, Хушрўй кўчасидаги 23-уйга келин бўлиб тушди. Ушанда Тошкент пойафзал дўконида сотувчи бўлиб ишларди. Эри билан ахил эдилар. Тўнғич фарзандларига Маҳмуд, кейингисига Мансур деб исм қўйишди. Фақат қайнона ва келин ўртасидаги гоҳи-гоҳида бўлиб турадиган мурасасизликни ҳисобга олмаганда хонадон тинч эди.

Кейин болаларини ўйлаб Дилфуза ёнгиналарида жойлашган мактабга идиш-товоқ ювувчи бўлиб ишга кирди.

Бир куни кечкурун телефон жинглиги. Трубкани Дилфузанинг қайнонаси Каромат хола олди. Кимдир маст ҳолда «алланималар» деб бақирар, оғзидан чиққан биронта сўзни тушуниб бўлмас эди. Каромат хола ўғли Обидни чақирди. Обид бироз кулок солди-да, кейин сўкиб, ҳақоратлай кетди. Телефон трубкасини жаҳл билан жойига қўйди-ю, вазоҳат билан ташқарига отилди. Ошхонада уймалашиб юрган хотинининг ёқасидан олиб: «хотинингни чақир деб алжиратган ким у? Қайси жазмининг?!» деб ўшқирди.

Дилфуза ўша куни майда-чуйдасини йиғиштириб, онасиникига жўнади. Орадан бир неча кун ўтгач, эри уйига қайтариб олиб келди. Бирок мурасалари узокка чўзилмади. 1989 йил 13 май куни қайнона ва қайнота келинларини уйларидан ҳайдаб юборишди. Шу-шу Дилфуза бу уйга бошқа қайтиб кира олмади.

Уни ҳайдаб юборишди...

Дил сўзларини, дарду-ҳасратларини тингламасдан, оталарча-оналарча суҳбатлашмасдан... Наҳотки, бир оилада яшаб, битта дастурхон атрофида ўтириб, бир-биримизнинг қалбимизга кулок сола олмаимиз? Шу қадар эътиборсизлик...

Ҳаёлга толаману атрофга қарайман. Назаримда ҳар бир бахтсиз оиланинг қисматида бир-бирларининг дилини, дардини тушуна олмаслик каби фожиа ётганини, ўзаро меҳр-окибат сусайиб бораётганлигини ҳис қиламан.

Ота-она ўғилларига: «— Агар хотинингдан кечмасанг у билан ижарада яшайвергин. Бирок бу ерга олиб келма!»— деб шарт қўйишди.

Эр-хотин бола-чақаси билан ижарада яшадилар. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Дилфузанинг эри Обид Қобилов опасининг уйига ўғрилиққа тушди. 1990 йилнинг 28 ноябрь куни судланиб, 9 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилди.

Ким билсин, Обид буни алампдан қилдими ёки қасддан? Ахир у хотин-бола чақаси билан ижарама-ижара қийналиб юрган кезларида, у катта бўлган уй опаси «Сабоҳатнинг номига ўтар эмиш» деган узук-юлук гаплар кулоғига чалинган эди. Обид опасиникидан 18 минг сўм пул ва бошқа қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб кетди. Судда эса «ўзимнинг улушимни олдим, холос»,— деди.

Дилфуза ҳозиргача иккита бола-си билан ижарада яшайди. Фақат мактаб таътили вақтида катта ўғли қайнонасиникида юради. Бокчада тарбиячига ёрдамчи бўлиб, ҳар ойда 130 сўм маош олади. Шундан 70 сўмини ижарага тўлайди.

Унинг яшаши шароитидан Тошкент шаҳридаги 278-бокчанинг касба уюшмалари хабардормикин? Наҳотки, меҳнат жамоаси ёрдам учун бирорта тadbир кўрмаган.

... Биттагина кўнгирик... Ўйламай айтилган икки, уч оғиз сўз... Дилфузанинг бахтиёр кунларини қисматга айлантди. Еш оила ва бутун хонадоннинг тинчи бузилди. Болалар яқинларидан, отанинг бағридан, меҳридан узоклашди. Балки бу кимларнингдир қўпол

ҳазилдир, эҳтимол атайин қилинган душманликдир. Бирок, бу воқеа йиллар, ойлар давомида қайнона ва келин ўртасида етилиб келган мурасасизлик чўғининг аланга олиши учун баҳона бўлди.

Каромат хола билан суҳбатлашиб ўтирибман-у, уларнинг ораларидаги мурасасизлик сабаби ҳақида ўйлайман. Бошига оппоқ харир ташлаб, бировнинг хонадонига кириб бориши керак бўлган яна қанчадан-қанча гул-гул очилиб келаётган қизларнинг тақдирини ҳақида ўйлайман.

Беш қўл баробар эмас. Аммо, шахмат ўйинига ўхшаган бу ҳаёт сахнасида тенг-тенгини топиш осон эмас. Шундай экан, қайноналар келинларнинг камчилигини кечириб, яхшисини ошириб, тинч-тотув

тушиб, ётган-турганимни, еган-ичганимни билмасдим.

Ҳа... Улар Обидни асраб олишганди. Буни шу вақтга қадар Обиддан яшириб келишди. Уйланганидан кейингина ўзининг асранди эканлигини хотинидан эшитди.

Каромат хола Дилфузага бу хабарни етказган кўни-кўшнлардан ҳам, уни ўғлига айтган келинидан ҳам хафа бўлди.

Эҳ, Дилфуза... Хўш, нима учун шу сўзни айтишга шошилдинг? Нима учун окибатини ўйламадинг?

Лекин начора... Ораларига совуқчилик туша бошлади.

Бошга тушганини кўз кўраверар экан. Биттаю, битта ўғил деб кўнглига қараб каттик гапиришмади.

ганида эшигимиз тагида белини боғлаб турадиган ўғлимиз бўлсин, деган умид билан бировнинг боласини ўғил қилиб олишганди. Не-не умидлар билан уни ўстиришганди...

Каромат хола эшигининг ёнидаги гўлачага бориб ўтирди-да, хаёлга чўмди. Темир панжара орасида, кўзлари ич-ичига кириб, озиб-тўзиб кетган ўғли кўз олдига келди. «Ҳа, болам-а...» деб томоғига тикилиб келган фарёдини култ этиб ютди-ю, нурсизланиб қолган кўзларидан аламининг аччиқ зардоби қалқиб чикди.

Ким билсин...? Балки Обид шу хонадон аъзоларининг меҳрига қониб улғайганида унинг тақдирини бугунгидек фожиали бўлмасмиди? Агар унинг келажаги ота-онасини жиддийроқ қизиқтирганида, унга кўпроқ эътиборларини қаратган бўлардилар. Эҳтимол дастлабки ноҳўя қадамларига ҳам ўз вақтида барҳам берилар эди...

Обид қизиқкон характерга эга. У ҳеч қачон ўзига нисбатан қилинган ҳақсизликни ҳам, яхшилиқни ҳам жавобсиз қолдирмасди. У ҳаммиша ҳақсизликни қасдма-қасдлик билан қайтарар эди. Назаримда, ўсиб-улғайган хонадонидидаги муҳит уни ана шу бадбахт кунларга бошлаб келди. Наттижада не-не умидлар билан фарзанд ўстирган ота-она оқибат кўрмади. Ўз бахтини излаб шу хонадонга кирган Дилфузанинг кўз ёшлари юм-юм тўкилди. Қўча-қўйда сарсон бўлди.

Улар келинларини уйдан ҳайдаб юборишди. Нима учун?... Чол-кам-пир ўзларини ёлғизликка маҳкум этиш учунми?..

Тошкент шаҳар Октябрь райони, нинг халқ суди 1989 йил 27 ноябрь куни Дилфуза Қобиловани уйга киритиб қўйиш ҳақидаги даъвосига кўра граждонлик ишини кўриб чикди. Даъво ҳақли деб топилганида ҳам қайнона-қайнота келинни уйларига қўйишмади.

Кун бўйи силласи қуриб ишлаб, топганларини бирига етказиб, бошқасига етказма олмай, болалари билан бошпанасиз, кўчада қолган Дилфузанинг нигоҳларига разм соламан. Нигоҳлар қаърига сингиб кетган мунг, алам ва изтиробга дош бера олмай, кўзларимни олиб қочаман.

— Наҳотки, ўғлидан кўрмаган меҳр-окибатни сиз ҳада этишга ҳаракат қилмадингиз?— сўрайман бошини куйи солиб ўтирган Дилфузадан.— Ҳеч бўлмаса болаларингиз билан кўчада қолишингизни ўйлаб, уларнинг кўнглини бирор марта ҳам олмаганмисиз?

Кўзлари жикка ёшга тўлган Дилфуза бошини шитоб билан кўтарди-ю, тил учида турган сўзларни айта олмай, титраб турган лабларини тишлади.

— У ҳеч нарса айта олмади... Бирок нима демокчи эди? Яна ўйга толаман. Унга ҳам осон эмас. Тақдирини ярим, бахтини ярим, нони ярим. Аёл боши билан бола-чақасини боқиб, тарбиялаши керак. Ахир у ҳам инсон-ку!

Ота-онанинг не-не ниётлар билан ўғил асраб, ўғил боқиб, унга умид билан тикилган ҳаловатсиз умри-чи?

Биродарлар!.. Мухтарам юртдошлар! Келинг бирга ўйлаб, бирга излайлик. Хатоларимизни қайси йўллар билан тузатишимиз мумкин? Токи, ота-оналаримизга ўша меҳр-окибатни қайтариш учун имкон яралсин. Дилфуза ва унинг болалари меҳрсиз, бошпанасиз қолмасин. Маҳалла-қўй, ёри-биродарлар бу ҳақда бирор нарса дейишар, яхшилиқ сари қадам қўйилар, деган умиддамиз.

Комила СУЛТОНОВА.

## МЕҲР— ШАФҚАТ ҚАНИ?

БУ ФОЖИА ШУ

*хонадонда содир  
бўлганига ҳеч ҳам  
ишонгинг келмайди.  
Бу кўргуликка фақат  
ўша кунги воқеагина  
сабаб эмас. Аслида  
Дилфузанинг  
бахтсизлиги шу  
хонадонга келин  
бўлиб кириб келган  
куниданоқ.*



яшашларига ёрдам беришлари ҳам мумкин-ку. Бир-биримизни кечириб яшашига қачон ўрганамиз? Қачон?!

Биз кўп нарсаларни ўйлаймиз. Бутун умримизни нималаргадир фидойи қиламиз-у, энг оддий нарсаларга ўзимизни кўнктира олмаимиз. Окибатда бутун хонадоннинг халовати, тинчи йўқолади. Еш оилалар хонавайрон бўлади.

Мана, Каромат холанинг неваралари кўчаларда тентираб қолди, аммо у невараларини севади. Уларни «ўзим вояга етказаман» дейди. Қачон?

— Қариган чоғимда ёлғиз қолиш менга ҳам осон дейсизми?— дейди Каромат хола,— кир-чир, ош-овқат, бозор-ўчар... Баъзан кучим етмай қолади.


— Болам бечора,— дейди у сўзида давом этаркан,— қамоқхонада бир бурда бўлиб, озиб кетибди. Ҳа, болам-а... Ўзига-ўзи қилди.— Каромат холанинг кўзларидан дувдув ёш оқди.— Ўзим тугмаган бўлсам ҳам, етти кунлигидан не-не азоблар билан боқдим. Қўқрак сўтисиз оёққа турғазим осон бўлди-ми? Неча марта касал бўлди. Ҳар касал бўлганида хавотирга

Ўғил эса эркатой бўлиб вояга етди. 16 ёшида магазинга ўғирликка тушиб, 5 йилга қамалди. Қамоқ муддатини ўтаб қайтганидан сўнг, дарҳол уйлантириб қўйдилар. Обид мажбурий хизмат билан Чирчикда ишларди. Қариб қолган ота-онасининг рўзгорига ёрдам бермас, маошини нима қилаётганлигидан на ота-онаси, на хотинининг хабари бор эди. Гоҳ қўшниси, гоҳ танишларидан яна бошқаси Обидни чақириб, қарзларини сўраб келишарди. Каромат хола дардини кимга айтишини билмас эди.

— Бошидан каттик туринг, дедим. Кўнглига қарадингиз,— деб чилини баъзан қойиб қўяди. Каромат холанинг ёдига ўша воқеалар тушса ўзининг бефарқлигидан ҳамон пушаймон бўларди.

Ушанда Обид 10 ёшда эди. Она касалхонага тушиб қолди. Ўйга қайтгач, ҳаменидан 10 сўм пул йўқолганини сизди. Ҳаммаси ана шундан кейин бошланди. Ҳали қизининг қишки пальтоси, ҳали сандиғидаги зар рўмол гойиб бўла бошлади.

Чол-кам-пир худо омонатини ол-



(2 — 8 сентябрь)

**ДУШАНБА**● **ЎзТВ I**

18.10 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Биринчи кўнғирок». 19.00 «Иқтисодий ва муаммолари». 19.50 «Экология». Телевизион альманах. 21.10 Тижорат хабарлари. 21.15 Эстрада шинавандалари. Сизлар учун! 22.25 «Кахратон март». Бадий фильм.

● **ЎзТВ II****«ТОШКЕНТ»  
СТУДИЯСИ  
КЎРСАТАДИ**

18.05 «Ассалому алайкум» (такрор). 19.05 «Олтой учрашувлари». Телефильм. 19.35 «Спринт». 19.50 «Билмлар сарчашмаси». 21.10 «Бу окшомда» кўрсатуви саҳифаларидан. 22.00 «Никоҳ кўнғироклари». Телевизион бадий фильм.

● **MT — «Орбита-4»**

18.15 «Бозор: танлаш пайти». 19.00 Мультфильм. 19.10 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 21.10 Футбол шарҳи. 21.40 Спорт кўрсатувлари. 22.40 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон. 22.55 Хоккей. Канада кубоги СССР—Швеция терма командалари. 01.30 «Кимсан? Нимасан?» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 02.30 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.

**СЕШАНБА**● **ЎзТВ I**

8.35 «Кўл бўйида». Бадий фильм. 1-серия — «Ота». 10.10 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 18.10 Мультфильмлар. 18.35 Болалар учун. «Юлдуз» рақсага тушди. 18.50 «Амалий даврга суҳбати». Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилган лигининг 35 йиллигига. 19.50 «Крим тоғларининг кузги жамол». Телефильм. 20.00 «Санъат олами». Мирзоҳид ва Адхам Ашуровлар ижоди. 21.10 «Спортлото». 21.15 Миртемир шеърлари билан айти-

ладиган кўшиқлар. 22.25 «Адолат». Хукукий-публицистик видеоканал.

● **ЎзТВ II  
«ТОШКЕНТ»  
СТУДИЯСИ  
КЎРСАТАДИ**

18.05 «Ашхобод». Телефильм. 18.30 «Йўлнингиз бехатар бўлсин!» 19.00 «Лахза». Хабарлар. 19.10 «Шаҳар юмушлари». 19.30 «Мамлакатимиз шаҳарлари бўйлаб». Кинопрограмма. 21.10 «Йўл бўлсин!» Телевизион бадий фильм.

● **MT — «Орбита-4»**

8.35 Болалар соати (француз тили дарси билан). 9.35 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 10.50 Хоккей. Канада кубоги. СССР—Швеция терма командалари. 1-давр. 11.45 Хоккей. Канада кубоги. СССР—Швеция терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида (12.25) — Биржа янгиликлари. 13.20 Мультфильм. 13.45 «Телемикст». 14.40 «Командировка». Уч серияли телевизион бадий фильм. 1-серия — «Наталья». 15.45 А. Шнитке. Фортепьяно ва торли оркестр ижроси учун концерт. 16.10 «XX аср рус живописи» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.35 «Болалар мусикий клуби». 17.20 «Чемпионлар билан биргаликда». 17.35 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси» туркуми таништирилади. 17.55 «Ен дафтар». 18.15 «Нуктаи назар». «Публицист» студиясининг мунозара клуби. 19.00 «Кизиқувчилар олами». 19.15 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 21.10 Останкино концерт студиясида ёзувчи Т. Зулфиров билан учрашув. 22.35 ТСН Халқаро воқеаларга бағишланган сон. 22.55 Хоккей. Канада кубоги. Канада — АҚШ терма командалари. Танаффус пайтида (23.35) — Биржа янгиликлари. 01.10 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 02.20 «Лахзалар». Фильм-балет

**ЧОРШАНБА**● **ЎзТВ I**

8.35 «Кўл бўйида». Бадий фильм. 2-серия — «Киз». 9.55 «Ешлик» студияси саволларингизга жавоб

беради. 10.25 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 18.10 «Футбол майдонларида». 18.55 «Ешлик окшоми». 19.50 «Аралаш». Хажвий киножурнал. 20.00 «Қамолат-90» танлови совриндори Абдужабор Латипов куйлайди. 21.10 «Навойшунослар ёди...» Адабий кўрсатув. 22.25 «Ойла».

● **ЎзТВ II  
«ТОШКЕНТ»  
СТУДИЯСИ  
КЎРСАТАДИ**

18.05 «Ранглар жилоси». Телефильм. 18.30 «Мусикали меҳмонхона». 19.00 «Пульс». Хабарлар. 19.10 «Йигит ва киз». Бадий фильм. 20.20 Телефильм. 21.10 «Осиё овози». Халқаро оммавий кўшиқ ва мусика кўрик-танлови. 22.10 «Кинонигоҳ».

● **MT — «Орбита-4»**

8.30 «Болалар мусикий клуби». 9.15 «Чемпионлар билан биргаликда». 9.30 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 10.40 Мультфильм. 10.50 Хоккей. Канада кубоги. Канада — АҚШ терма командалари. 1-давр. 11.45 Хоккей. Канада кубоги. Канада — АҚШ терма командалари. 2 ва 3-даврлар. 14.45 «Командировка». Уч серияли телевизион бадий фильм. 2-серия — «Шурочка, Петя Шутов ва бошқалар». 15.50 «Унутилган кемалар тақдири». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.20 «Биржа учувчиси». 16.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.30 Мультфильмлар. 17.55 «Ен дафтар». 18.15 «Планета». 19.00 «Кизиқувчилар олами». 19.15 Мультфильм. 19.25 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 21.10 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Света». 1 ва 2-фильмлар. Танаффус пайтида (21.55) — Дўзарб репортаж. 23.00 ТСН. 23.20 Н. Гнатюк куйлайди. 24.00 «Парадиз-коктейль». 01.00 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 02.05 «Варлам Шаламов. Бир неча умрларим». Телевизион ҳужжатли фильм.

**ПАЙШАНБА**● **ЎзТВ I**

8.35 «Болалигим — гулбахор». Болалар учун концерт. 9.10 «Ижод саҳифалари». Шоислом Шомухамедов. 18.10 Мультфильмлар. 18.25 «Алифбо сабоқлари» 11 босқич. 19.00 «Обуна-92». 19.50 «Гилга эътибор...» 21.10 Ўзбек классик куй ва кўшиқларидан концерт. 22.25 «Бир спектакль тарихи». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида «Алишер Навоий» спектаклининг яратилиши ҳақида. 23.15 «Флорида». Мусикий видеофильм премьераси.

● **ЎзТВ II  
«ТОШКЕНТ»  
СТУДИЯСИ  
КЎРСАТАДИ**

18.05 «Кизиқарли учрашувлар соати». 18.50 «Каноп гуллаверди». Телефильм. 19.10 Кичик концерт. 19.30 «Бу окшомда». 21.10 «Бу окшомда» кўрсатувининг давоми.

● **MT — «Орбита-4»**

8.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 9.35 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 10.40 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». «Света». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм. 11.45 ИИВ маълумотларига кўра... 12.00 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». «Света». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм. 12.50 «Ишчан чопар».

13.50 «Телемикст». 14.35 ТСН. 14.45 «Командировка». Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия — «Кайтиш». 16.00 «XX аср рус живописи» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.30 «Экология. Жамият. Инсон». 17.15 Сиёсий мулоқотлар. 18.00 «Ен дафтар». 18.05 ТСН. 18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 «Кизиқувчилар олами». 19.15 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 4-серия. 21.10 ИИВ маълумотларига кўра... 21.25 «Қарақалла маликалари». Опера мусикаси юлдузлари концерти. 23.00 ТСН. 23.20 Поэзия. Есенинга бағишланади. 00.20 СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. 01.10 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.

**ЖУМА**● **ЎзТВ I**

8.35 «Олатов жилolari». «Кунгурлик мусаввир». Телефильмлар. 9.00 «Жанговар машина экипажи». Бадий фильм. 10.05 «Замандас» (қозок тилида). 11.05 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Нижона».

18.10 Мультфильм. 18.30 «Замин саховати». 19.00 «Китоб ва китобхон». Алишер Навоий асарларининг нашр этилиши ҳақида. 19.50 «Бир ҳарф ўқитмиш ранж ила...». Адабий кўрсатув. 21.10 Биржа янгиликлари. 21.25 Эркин Рахимов ва Гулчехра Тошўлатовлар концерти. 22.25 «Дехкон ва замин». Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилган лигининг 35 йиллигига бағишланган махсус кўрсатув.

● **ЎзТВ II  
«ТОШКЕНТ»  
СТУДИЯСИ  
КЎРСАТАДИ**

18.05 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами. 19.00 «Пульс». Хабарлар. 19.10 Кичик концерт. 19.30 «Ҳужжатли фильмлар экрани». Кинокўрсатув.

20.15 Биржа янгиликлари. 21.10 «Кинонигоҳ».

● **MT — «Орбита-4»**

8.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.20 «Гардемариновлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 4-серия. 10.35 «Москва ва Лондондаги икки оила ҳаётидан бир неча эпизодлар». Телевизион ҳужжатли фильм. премьераси. 11.45 Тижорат кундалиги. 12.00 «Парадиз-коктейль».

14.35 ТСН. 14.45 «Ғолиблар». 15.35 Операда ўйнаймиш. Н. МУСОРСКИЙ «Болалар», 16.00 «Ен дафтар». 16.05 «Инсон ва қонун». 16.50 «Шерик». 17.20 Хоккей. Канада кубоги. СССР — Финляндия терма командалари. 19.30 «Ер — она масканимиз». Телевизион фототанлов. 19.35 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 21.10 «ВИД» таништиради. 00.25 ТСН. 00.45 Хоккей. Канада кубоги. СССР — Финляндия терма командалари.

**ШАНБА**● **ЎзТВ I**

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Мария ва Мирабелла. Транзисторияда». Бадий фильм. 10.10 «Шахмат мактаби». 10.40 «Дўстлик» студияси кўрсатади. 1. «Ягона билада». 2. «Рангинкамон». 12.35 «Чорвадор». 13.05 «Билмдон мунажжим». Болалар учун эртақ. 14.05 «Қадрият».

18.00 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 18.50 «Кино мухлисларидан мактуб». 19.45 Оқшом эртақлари. 20.00 Андижон вилоят Жалолқудук ноҳияси «Наво» мақом дастасининг концерти. 21.10 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Раҳима Мазоҳидова. 22.00 «Ҳафтаном». 23.00 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари».

● **ЎзТВ II  
ЎЗБЕКИСТОН  
ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ-  
НИНГ «ДЎСТЛИК»  
ВИДЕОКАНАЛИ**

9.00 «Дўстлик экрани». Ашхободдан кўрсатув. 10.00 «Болалигим ўтган кўл». Ҳужжатли фильм. 10.10 «Қалбим наволари». Мусикий кўрсатув. 11.10 «Қора тоғ». Бадий фильм. 12.35 «Умид». Уйғур тилида кўрсатув.

● **18.05 АШХОБОД  
КЎРСАТАДИ.**● **MT — «Орбита-4»**

6.00 Ҳужжатли фильм. 6.20 Мультфильмлар. 7.00 «Оҳ-воҳлар, хазил-мутойнабалар». 7.30 Ритмик гимнастика. 8.00 ТСН. 8.20 «Сиз яратган боғ». 8.50 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.20 «Кечиккан севги». Фильм-спектакль. 11.35 «Маринеско». Ҳужжатли фильм премьераси. 12.35 «Мусикий дўкон». 13.05 Мультфильмлар. 13.35 Рус халқ чолғулари оркестри учун ёзилган асарлар антологиясидан. 14.35 ТСН. 14.50 «Давид ва Голиаф». Телевизион бадий фильм

премьераси. 16.00 «Ромео ва Жульетта. П. И. Чайковский мусикасига яратилган фильм-балет. 16.20 «Ўз-ўзингга мадад бер». 17.05 «Майя арисси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 12-серия. 17.30 «Мангу муҳаббатга сазовор мамлакат». Москва — Кремль. 1-фильм. 18.05 В. Добринин ижросида кўшиқлар. 18.30 Режиссёр М. Захаров фильмлари. 1 ва 2-сериялар. 21.10 Футбол. СССР чемпионати. «Торпедо» — «Днепр». 2-тайм. 21.50 «Бот шоу-91». 00.35 «Аждаҳони ўлдириш». Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.

**ЯКШАНБА**● **ЎзТВ I**

8.00 «Ҳафтаном» (такрор). 9.00 «Биргаликда куйлаймиш». 9.30 «Саломат бўлинг!» 10.10 «Диккат, тошбақа». Бадий фильм. 11.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувнок стартлар». 12.10 «Тадбиркорлар». 12.40 «Дўстлик ришталари». Мусикий кўрсатув. 13.35 «Наманганназоқати». 18.00 Болалар учун. «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.30 «Киноанжуман таассуротлари». Кинокўрсатув. 19.50 «Хотира». Ўзбекистон халқ шоири Миртемир 21.10 «Якшанба оқшомида». Мусикий кўрсатув. 22.25 «Аршин мол-алон». Бадий фильм.

● **ЎзТВ II  
ЎЗБЕКИСТОН  
ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ-  
НИНГ «ДЎСТЛИК»  
ВИДЕОКАНАЛИ**

9.00 «Дўстлик экрани». Уфа шаҳридан кўрсатув. 9.55 «Таллинн хайвонот боғида». 10.25 «Дўстларимиз даврасида». 11.55 «Бор-йўғи бир умр». Бадий фильм. 13.20 «Дўстлик тароналари».

● **17.05 ДУШАНБА  
КЎРСАТАДИ**● **MT — «Орбита-4»**

7.30 «Формула-С». 8.00 ТСН. 8.20 «Спортлото» тиражи. 8.35 Мультфильм. 8.50 «Эрта сахарлаб». 9.35 «Ватан хизматида». 10.35 «Тонг юлдузи». 11.35 «Саёҳатчилар клуби». 12.35 «Қишлоқ янгиликлари». 13.35 «Россия тароналари» телерадиотанловининг совриндори «Реликт» вокал триоси ижро этади. 13.45 «ПИ» белгиси билан. 14.45 «ПИ» белгиси билан кўрсатувининг давоми. 15.30 «Марафон-15». 16.30 Турли мамлакатларнинг эртақлари ва афсоналари. Шотландия эртаги. 16.35 Мультфильм. 16.45 «Халқаро панорама». 17.30 Шеърят лахзалари. 17.40 «Уолт Дисней таништиради...» 18.30 Швеция телевидениесининг оқшоми. 21.10 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Киев). 2-тайм. 21.50 Швейцария телевидениеси оқшомининг давоми.

**ҲАР КУНИ БИР ПАЙТДА:**

- 8.00 Ахборот (шанба ва якшанбадан ташқари ЎзТВ I).
- 8.25 «Соғлом бўлай десангиз» (шанба ва якшанбадан ташқари ЎзТВ I).
- 18.00 да Ўзбекистон телевидениесининг «Янгиликлар» (ЎзТВ I).
- 19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ЎзТВ I).
- 22.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси кўрсатуви (ЎзТВ I).
- 6.00 да Марказий телевидениесининг «Тонг» мусикий кўрсатуви (MT I орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).
- 20.30 да барча программалар орқали Марказий телевидениесининг «Время» программаси.
- 11.30, 18.00 да ТСН — Янгиликлар телевизион хизмати хабарлари (шанба ва якшанбадан ташқари), 14.30 да — ҳар куни (MT I).



ҚАТОР-ҚАТОР орден ва медаллар соҳиби Баҳодир ака икки ўғлини пахтахлаб, гард юқтирмай, елкасида кўтариб катта қилди. Улар ҳам оталарининг елкасига бир минган бўйича қайтиб тушмадилар. Бир куни улар ўқийдиган мактабининг синф раҳбари Лобархон Баҳодир ака хузурига шикоят билан келди:

— Сал ёшига яраша кийим кийдирсангиз. Ҳали ўн саккизга кирмай туриб бошларига кундуз телпак, қимматбаҳо импорт костюм кийдириб қўйишнинг оқибати яхши бўлмайдими!

— Қўяверинг, сингилжон, — деди Баҳодир ака, — ўлмай топганларим шу фарзандларим. Биз шуларни деб ишляпмиз, яшяпмиз! Ўқишларининг мазаси йўқлигини ўзим ҳам биламан. Буниям қўяверинг. Ҳамма олим бўлса, пода кимга қолади?!

Муаллима Баҳодир акага гап уқтиролмади, хуноб бўлиб чиқиб кетди.

Уруш оқибатлари ўз таъсирини кўрсатди: гурсиллаб юрган Баҳодир ака икки ўғлини уйлашга улгурди, холос. Кейин сал ўтмай шол бўлиб, кўрпа-тўшакка михланиб қолди. Ҳатто давлат томонидан берилган белул «Запорожец» машинасини миниб ҳам насиб этмади.

Машина ҳам машина бўлиб яралганидан минг пушаймон бўлди. Бир сафар уни катта ўғил Сўлтамаат ағдариб жағини қийшайтириб келди, иккинчи сафар кичиги Турдимат ёнбошини симёғочга уриб, яғир қилиб келтириб ташлади. Қийшайган-майишган жойларини уриб тўғрилашиб миниб юришибди. Пуллари куймаганда! Баҳодир ака эса «Шукр, соғ қолибсизлар», деди, холос.

Болани бори яхши-ку, аммо, кўз очиб кўрганнинг билан қўша қаригин экан. Хотини Роҳила хола туну кун эрининг бошида парвона, оқ ювиб оқ тарайди. Аммо, Сўлтамаат билан Турдимат... Баҳодир аканинг кўзларида ёш ғилтиллади. Унинг кўнглидан кечаётганларни сезган Роҳила хола шошиб эрига далда берди:

— Ўғилларингизнинг иши кўп, дадаси. Албатта бўшаган вақтларида хабар олгани келишади.

Бирдан нима бўлди-ю, ўғиллари билан келинлари ҳар куни хабар оладиган бўлиб қолишди.

Бир куни Сўлтамаат отасининг орден ва медаллари қадалган ҳарбий гимнастеркасини кийдирди. Озиб-тўзиб, ёш боладай бўлиб қолган отасини Турдимат даст

кўтариб олиб шалоғи чиқиб кетган «Запорожец»нинг орқа ўриндигига жойлади.

— Қаёққа... Турдимат?

— Иш бор, бобой! Ижроқўмга!

— Нимага?


— Сиз юраверинг. Сизнинг номингиздан Сўлтамаат гапиради. Сиз маъқуллаб бош силкиб турсангиз бас!

«Запорожец» эгасига ўхшаб ўхтин-ўхтин йўталиб, орқасидан қоп-қора тутун чиқариб, аранг жойидан силжиди...

...Уч қаватли район ижроия қўмитасининг биносига ҳам етиб келишди. Отаси-

## Аттанг, ўлмаганда...

(ҲАЖВИЯ)



ни опичлаб олган Турдимат эшик тагидаги қоровулнинг ҳай-ҳайлашига ҳам кулоқ солмай тўғри ижроқўм раиси қабулхонасига бостириб кирди. Навбат кутиб турганларнинг баъзилари ҳайрат, баъзилари ачиниш, баъзилари ноқобил фарзандларга нафрат билан тикилиб қолдилар. Рухсат ҳам сўрамасдан мажруҳ отани креслога ташлади. Ижроқўм раиси ҳайратдан тош қотиб қолди. Сўлтамаат хотини Хадича ўргатган гапларни тўтидай сайраб кетди:

— Кечирасиз, ўртоқ Апзалип. Бу отамиз. Кўриб турибсиз, орден ва медаллари бор!

Отанинг заъфарондай юзига қон югурди, лабини тишлаб ерга қаради. Сўлтамаат

эса давом этарди:

— Касалсиз, уринманг, десак ҳам ҳолжонимизга қўймади! Районнинг энг каттасига олиб борасан, гапирадиган гапларим бор, деб туриб олди. Тўғримми, ота?!

Отанинг номидан яна Сўлтамаат сайрай кетди:

— Қўйинг ота, шунча йил бир кўрғонда яшаб келдик, бундай кейин ҳам яшайверамиз десак ҳам унамаяптилар. Кўзимнинг тириклигида биттангни участкалик қилиб қўймасам армон билан кетаман, деяптилар! Тўғримми, ота?! «Шикоятчи» яна бош силкиди.

— Тушунарли, — деди ижроқўм раиси, — аммо, касал одамни уринтириб қўйибсизлар-да!

— Шундай десак унамади-да, ўртоқ Апзалип. Раис билан юзма-юз туриб гаплашаман, деб туриб олдилар.

Шундан кейин ер участкаси унди!

Иш юришгандан юришиб кетди. Сўлтамаат билан Турдимат чалажон отанинг рамакижон жусасини «Запорожец»га босиб кўмирхона бошлиғининг олдига олиб бориб ташлашди — кўмир унди, тахта омборига опичлаб киришди — тахта унди, район матлубот жамияти раисининг олдига олиб кириб уни суяб туриб ота номидан Сўлтамаат арз айтди — ноёб товарлар унди!

Ота ташкилотма-ташкilot, идорама-идора бориб-келавериб, ҳолдан тойди, охири тилдан қолди. Уч кундан сўнг вафот этди-ю, ноқобил фарзандларининг машмашасидан қутилди.

Эртасига таъзияга келганларни кузатиб бўлиб даҳлизда чойхўрлик қилаётган ака-укалар ҳасратлашишарди:

— Бобой ўлмай турганда уйимнинг чаласини битказиб олардим, — деди Сўлтамаат.

— Нимасини айтасан, — деди Турдимат, — кенжа қизимни педфакка жойлаштиришни мўлжаллаб турган эдим.

Дарҳақиқат, ота ўлмаганда ҳали иш кўп эди: Сўлтамаатга юзта шифер, Турдиматга ўнта труба, Сўлтамаатга қирқта фанер, Турдиматга бир тонна комбикорма...

Аттанг, жасадни уч-тўрт кун уйда сақлашнинг иложи бўлмадида, унда катталарни бошлаб кириб бўлса ҳам у-бу ундириб олишармиди?!..

Назиржон РАҲИМОВ.

## ДАИ инспектори

ИНСПЕКТОР — Чуррр! Қани хонимлар, кўчанинг ўртасидан орқага қайтинглар-чи. Бир жарима солай, кўзинглар мошдай очилиб, иккинчи йўл қондасини бузмайдиган бўласизлар.

ХОТИН — Вой, дадаси, кечирасиз, билмай қолибмиз. Танимаяпсизми, булар кўшнилармиз-ку. Худо бир асради-я!

ИНСПЕКТОР — Ҳа, сал қолди машина уриб юборишига.

Эҳтиёт бўлиш керак. Қани, уч сўмдан тўланглар-чи.

ХОТИН — Ҳой дадаси, уят бўлар ўз хотинингиздан жарима олсангиз.

ИНСПЕКТОР — Мана, талон йиртиб қўйганман. Қонда бузилгач, илож қанча, хотинжон?

ХОТИН — Ёнимда... бир тийиним ҳам йўқ эди-я. Энди нима қиламан?

ИНСПЕКТОР — Шунақами! Ёмон даллол ёнидан, деганларидай ўз ёнимдан тўларканман-да, начора?!

Ғиёс КОМИЛОВ.

СЕВИШГАНЛАР АҲДИ

— Нозимка! — деди йигит қизнинг елкасига туртиб, — менинг битта-ю битта ташвишим бор, у ҳам бўлса сенга уйланиш — тўй қилиш. Бошқа ҳеч қанақанги ташвишим йўқ.

— Мақтанманг, — дея пардоз сумкасининг занжирини бўялган тирноқлари билан очабошлади қиз, — тўйимиз ўтсин, ундан кейин сизни шунақанги ташвишга кўмиб ташлайман. Бошингиз бир умр ташвишдан чиқмайди.

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ.

## МУСАВВИР ТАБАССУМИ



Тезюрарга ишкитбозмиз,  
Биз ҳам сизгак не бўлтай.  
Автобуслар дейди: озмиз!!!  
Серб бўлса, дил култай!

Сўзсиз сурат...

Ш. МУЗАФФАР ўғли ва С. САЛОҲИДДИНОВ чизган расмлар.